

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛ

унда қизиқарли сайтлар кашф этилади

Бугунги кунда UZ домени ҳудудида домен номларини расмий рўйхатдан ўтказувчилар сони 15тани ташкил этади. Вилоятлардаги компютерлаштириш марказларига ҳам ушбу имконият берилганидан сўнг, нафақат рўйхатдан ўтказувчилар сони ошди, балки жойларда домен номларига эга бўлиш имконияти кенгайди. Бу эса миллий интернет сегментдаги веб-сайтлар сони ошишига хизмат қилади.



UZ milliy domeni
Internet-Festivali
2014

Бир веб-сайтни ишга тушириб, уни ўзига хос йўналишда юритиш ва маълум бир аудитория тўплаш ҳамда эътиборига сазовор бўлиш анчагина меҳнатталаб жараён. Бундай ҳолатда фойдали сайтларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни кенг оммага таништиришнинг рағбати, аҳамияти катта. Миллий UZ домени интернет-фестивали бир неча йиллардан буён шу вазифани бажариб келмоқда. Фестивал орқали ҳар йили ўзгариб бораётган бир қатор қизиқарли сайтлар кашф этиляпти.

2-бет



Сўнги янгилик!

Карслруэ технология институти (Германия) олимлари смартфонлар учун атроф-муҳит инфосланишини аниқлайдиган модул ишлаб чиқишди.



3D-принтерда "чоп этилган" бу модул смартфоннинг орт сиртига — камера объективи ва "вспышка" тирқишига мослаб ўрнатилади. Фойдаланувчи камера чақинини ёққан ҳолда олган сурат модул сенсорига келиб тушади. Телефонга ўрнатилган махсус илова фотосуратни ҳаводаги чанг зарралари миқдорига бевосита боғлиқ ҳодиса — нурнинг сочилиш даражасига қараб таҳлил қилади.



Иқтидорли ёшларга имкониятлар

XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри

ТАТУда иқтидорли ёшларни излаш, саралаш ва улар билан ишлаш фаолияти самарали йўлга қўйилган. Бу борада университетнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими махсус дастур доирасида иш олиб боради. Дастурда белгиланган вазифалардан бири иқтидорли талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендияларига номзодларни тайёрлашдир. Айни пайтга қадар университет иқтидорли талабаларидан уч нафари Беруний номидаги стипендияга сазовор бўлган, қўлаб талабалар қўмита ва соҳа корхона-ташкilotлари таъсис этган турли стипендиялар соғирдорларидир.

5-бет



УШБУ СОНДА:

Ўзбекистонда илк "ақлли синф" очилди	2
Ютуқларга лиммо-лим йиллар	3
Контроль качества	6
Бунёдкор ёшлар	7
Мўъжаз мамлакатнинг улкан тажрибаси	10
Бобурнинг почтага эътибори	16

Jumadan umagacha

● Мамлакатимиз галлакорлари бу йилги мавсумда 8 миллион 50 минг тонна сара дон йиғштириб олиб, зиммаларидаги шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Шу муносабат билан матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз галлакорларига табриги эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июл куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Аҳмет Давуғўлини қабул қилди. Суҳбат чоғида маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлар алмашишни ривожлантиришдан ҳар икки томон манфаатдор экани қайд этилди.

● Жорий йилнинг 16 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Хукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йил учун иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

● Пойтахтимизда 15 июл куни Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, "Ангрен" махсус индустриал зонасида қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришга оид ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, "Жиззах" махсус индустриал зонасини ривожлантиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

● 11 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқ таълими вазирининг мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Парламент эшиғи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияларининг ташаббусига кўра ўтказилди.

● Жиззахда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиб иштирок этди. Жиззах тумани вакили Сурайё Тошпўлатова биринчи ўринни эгаллаб, қатловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛ

Унда қизиқарли сайтлар кашф этилади

◀ 1-бет

15 июл куни Алоқа тарихи музейида "Миллий UZ домени 2014" интернет-фестивали старт олгани эълон қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Файзуллаев, UZIN-FOCOM маркази директорининг биринчи ўринбосари Ф.Сайдалиев, InfoCOM.UZ журнали таҳрир хайъати раиси А.Сучковлар интернет-фестивал тарихи, аҳамияти, ўтказилиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумот беришди.

Танловда, олатдагидек, UZ доменида рўйхатдан ўтган сайтлар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун сайт эгалари ёки фойдаланувчилари фестивалнинг расмий — www.if.uz сайтида шу йилнинг 15 июлидан

1 сентябргача бўлган муддатда ариза бериш имконига эгалар. 1 сентябрдан 22 сентябрга қадар танлов ҳакамлар хайъати голибларни саралайди. Танлов иштирокчилари сайтларини баҳолаш учун интернет-технологиялари, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан иборат ҳакамлар хайъати шакллантирилади.

Бу йилги фестивал дастури 10та мавзули ва 2та махсус номинациядан иборат.

Ҳар бир номинацияда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар берилиб, диплом ва фестивал совринлари тақдим этилади. Ҳакамлар хайъатининг қарори бўйича алоҳида номинацияларда мукофотлар умуман ёки ўринлардан бири учун тақдим этилмаслиги мумкин.

Танлов дастурига кўра, интернет-фестивалда 10та мавзули номинацияда иштирок этаётган сайтларга WWW.UZ миллий

Маълумот ўрнида:

Иккинчи даражали Миллий UZ домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган. 2014 йил 15 июл ҳолатига кўра, UZ ҳудуддаги фаол доменлар сони 18200дан ортиқни ташкил этди. UZ доменига тааллуқли яна бир неча минг учинчи даражали доменлар ҳам мавжуд.

қидирув тизимининг махсус совринлари қўйилган. Белгиланган муддатда иштирокчилар орасида ҳар бир мавзули номинация бўйича энг кўп хост тўплаган 10та сайт голиб саналади.

Бу йилги фестивал аввалгиларидан бир жиҳати билан фарқ қилади. Унинг доирасида мамлакатимиз дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган мобил иловалар танловини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги ҳамжамиятлар саҳифалари ҳам баҳоланади.

Л.ТУРСУНОВ

FAKT

Танлов эълон қилинган дастлабки кундаёқ, www.if.uz сайти орқали 100дан ортиқ аризалар топширилди.

Ўзбекистонда илк "ақлли синф" очилди

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташаббуси билан Ангрен шаҳридаги 34-мактаб-интернатда Samsung Smart School таълим дастури доирасида Smart class ("ақлли синф") очилди.

Smart class — махсус дастурий таъминот орқали ўзаро боғланувчи компютер, планшет (20 дона), интерфаол доска ва принтер билан жиҳозланган хонадир. Samsung Smart School

ёрдамида экрандан ўқувчиларнинг планшетига осонлик билан трансляцияни амалга ошириш мумкин, бу ўқитувчи синфдаги вазиятни назорат қилишига ёрдам беради. Ўқувчилар эса ўзаро маълумот алмашиш имкониятига эга бўлишади, шу тариқа дарснинг янада қизиқарли кечишига имкон туғилади.

Ушбу мактаб-интернат Ziyonet таълим тармоғига уланган.

Истиқлол солномаси

Истиқлолнинг дастлабки йилларида телекоммуникациялар тизимини ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати асосида OECF-1, EDCF, JBIC каби йирик лойиҳалар, KfW Bank, Siemens, Alcatel, Huawei ва бошқа етакчи хорижий фирма ва банклар кредитлари бўйича ҳукуматлараро келишувларга эришилди.

Ҳукуматимиз кафолати асосида ҳамда йирик хорижий компаниялар: Жанубий Кореянинг Daewoo (ДЭУ), Индонезиянинг BCC (Бакри Коммуникейшн Корпорейшн), Швециянинг Ericsson, Италиянинг Italtel ("Италтел"), Германиянинг Siemens, Alcatel, DeTeLine, Detecon, Япониянинг Mitsui ("Мицуй"), NTT, NEC, Хитойнинг Huawei компаниялари иштирокида ажратилган кредитлар минглаб километр оптик толали алоқа линияларини барпо этиш, халқаро ва маҳаллий коммутация станцияларини рақамли тизимга ўтказишга йўналтирилди.

Siemens, Alcatel ва Mitsui компаниялари иштирокида KfW Bank (Германия) кредити ҳисобига 885 км узунликдаги Транс-Осиё-Европа оптик толали алоқа линиясининг Ўзбек миллий сегменти қурилди. Мазкур тармоқ Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлади. Мазкур йирик лойиҳаларга давлат бюджетидан ҳам маблағлар йўналтирилди.

Республикаимиз мустақилликни қўлга киритиб, ўзига хос ва мос йўлдан бораётганига ҳадемай 23 йил бўлади. Ҳар йили истиқлол байрами яқинлашгани сайин юртимни гурур ва иртихорга қоришиқ ажиб ҳаяжон қўлаб олади. Соҳада иш бошлаган дастлабки қўналарим, амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, қўлга киритаётган ютуқларимизни таҳлил эта бошлайман. Ахир, юртимиз алоқа соҳасидаги янгиланишларнинг ҳаммаси кўз ўнгимда содир бўляпти-да!



ЮТУҚЛАРГА ЛИММО-ЛИМ ЙИЛЛАР

1972 йил Тошкент электротехника алоқа институтини битириб, мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида иш бошлаганман. Кўз олдингизга келтиринг, вилоят маркази ва барча туманлар марказларида АТС-47, АТС-54 каби механик телефон станциялари ишлатилар эди. Бу станциялар маълум юкларга мўлжалланган бўлиб, бир вақтнинг ўзиде 100та абонентдан 30таси телефон гўшагини кўтарса, 25тасига боғланишга рухсат берар, қолганлари оралиқ алоқа боғловчи линиялари бўлагини кутиб турар, бандлик сигналларини эшитар эди. Вилоят ва туманлар марказлари ёғоч устунли пўлат ва мис сим линиялари билан боғланган бўлиб, 12 каналли ва 3 каналли (В-12-2, В-3) ускуналар қўлланилар эди. Ўша йиллари Термиз шаҳрига республика маркази билан боғланиш учун Денов, Жарқўрғон шаҳарлари (туманлари) орқали эндигина ер ости алоқа магистрал кабеллари МКСБ 4х4-1,2 ётқизилиб, FAU-60 зичловчи 60 каналли тизими ишга туширилди. Қишлоқ жойларида деярли телефон йўқ эди. Колхоз ва совхоз идоралари туман марказидаги телефон станциясидан бир неча телефонга эга эди, холос. Туманлараро, шаҳарлараро телефон билан боғланиш фақат коммутатор, телефончи орқали амалга оширилар эди. Алоқачилар ҳамма вақт изланишда бўлиб, олдинга интилиб, имконият даражасида сифатли ва тезкор алоқани узлуксиз таъминлашга ҳаракат қилар эдилар. Нимаики янгилик кириб келса, зудликда ўрганилар ва амалга татбиқ этилар эди.

Алоқа ускуналари янгиланиб борилди, магистрал кабел линиялари, РРЛ, алоқа уйлари, телефон станциялари қурилди. Соҳада кенг миқёсда автоматлаштириш бошланди, яъни қишлоқ АТСларини туман АТСлари билан автоматик боғлаш, туманлар телефон станциялари абонентларининг автоматик тарзда шаҳарлараро алоқага чиқишини таъминлаш ва бошқалар. Булар ҳаммаси кенг ҳажмли ва сифатли алоқа билан таъминлаш имкониятларига тўлиқ эга бўлмаган аналог тоифали ускуналар базасидаги алоқа тармоқлари эди. Мустақилликкача вилоятда бирорта рақамли телефон станцияси, АМТС ёки узатиш тизимлари бўлмаган.

Минг шукрки, истиқлол туфайли соҳамиз янгиланишлар, ўзгаришлар сари юз тутиб, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари ривож бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Соҳада, жумладан, телекоммуникация тармоқларида ўзгаришлар истиқлол йилларидан бошланди, десам хато бўлмайди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси тарихига қисқача назар ташлаб, ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўлишингиз мумкин.

1992 йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар алоқа бошқармалари негизда давлат почта ва электралоқа корхоналари ҳамда "Ўзбектелеком" давлат электралоқа корхоналари концерни ташкил этилган бўлса, 1995 йилдан энг муҳим давр — корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди. "Тошкент таксофони", "Сирдарё Телеком" акциядорлик жамияти, "Ўзбектелеком Интернетшнл", "Бўстон", "Чирком" қўшма корхоналари ташкил этилди. 1997 йили Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилиб, мустақил бошқарув органи таш-

кил этилди. Орадан уч йил ўтиб эса "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ташкил топди.

2001-2002 йиллар давомида "Ўзбектелеком" АК таркибига кирувчи компанияларни филиаллар сифатида бирлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш, яъни холдинг тузилмасидан операторлик компаниясига айлантириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўша йилларда компанияни хусусийлаштиришга тайёрлаш, информацион меморандумнинг яқунланиши ва инвесторлар орасида унинг тарқалиши бошланди. "Ўзбектеле-

**Тақдим этилаётган
хизматлар қаторидаги
телефония, телеграф
алоқаси ва коммутация
орқали интернетга ўланиш,
бугунги кунда талаб тобора
ортиб бораётган интернетга
замонавий кенг полосали
(юқори тезликда) ўланиш,
IPTV интерактив рақамли
телевидение хизмати,
CDMA-450 технологияси
бўйича мобил алоқа,
шўнингдек, кенг полосали
3G (EVDO) ўланиш хизмат-
ларидан халқимиз кенг
фойдаланмоқда.**

ком" АК қузатув кенгагининг 2003 йил 4 мартдаги қарорига асосан Инженер-техник маркази, CDMA-450 стандартида симсиз радиоулуниш хизмати кўрсатиш ишлари бошланиши муносабати билан компания тасаруфидан "Ўзбектелеком Мобайл" филиали ташкил этилиб, 2003 йил-

дан Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ўртасида симсиз радиоалоқа тизими ишлай бошлади. 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан юртимизнинг исталган жойидан, исталган телефондан олдиндан пул тўлаш карточкаси бўйича халқаро сўзлашувларни амалга ошириш имконини берувчи сервисли интеллектуал хизматлар учун 805 ногогеографик ўланиш кодлари киритилди.

2006 йилдан республиканинг барча вилоят марказларини қамраб олган видеоконференцолақа хизмати татбиқ этила бошланди.

2007 йилдан компаниянинг "Ўзбектелеком Мобайл" филиали CDMA-450 стандарти асосида республиканинг барча минтакаларида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатишга киришди. NGN кейинги авлод тармоғи технологиялари асосида пойтахтимиз телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш амалга оширилди, видеотелефония, маълумотлар узатиш ва интернет тармоқларига ўланиш хизматлари татбиқ этилди. 2010 йил давомида халқаро пакетли коммутация сизими икки баробарга оширилиб, 2,5 Гбит/с.га етказилди.

2012 йилга келиб, овозли алоқа хизматларидан маълумотлар узатиш замонавий хизматлари, FTTx, IP-телефония/видеотелефония, IPTV ва CDMA-450 стандартидаги симсиз радиоулуниш хизматларига ўтилди. "Ягона ойна" тамойили бўйича ишлайдиган 94та савдо офиси фойдаланишга топширилди. Интернетга кенг полосали ўланувчи абонентлар сони 52 фондан кўпроққа ошди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар бугун дунё эътиборида. Шунинг учун ҳам биз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлганлар сафи ортиб борапти. Тошкентда қатор хорих мамлакатларининг олий ўқув юрлари очилгани, соҳа мутахассислари ва талабаларининг ўша давлатларда бўлиб, малака ошириб қайтаётгани, чет тилларини мукамал эгаллаётгани фикримиз далилидир. Қўлга киритган ютуқларимиз кейинги йиллар ичида янада мустаҳкамланишига, Ўзбекистон ҳадемай ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига ишонаман.

**Тоҳир БИКМЕТОВ,
"ЎзАлоқаКонсалтинг" масъулияти
чекланган жамияти директори**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқарув академиясида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сenga бахшида, гўзал Ўзбекистони!" мавзусида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни академия ректори А.Абдувоҳидов кириш сўзи билан очди. Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Мухаммадиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Миллий телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари О.Тошбоев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Риззев, "Камолот" ЁИХ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

ЭЗГУ БУРЧ

Ф.Мухаммаджонова ва бошқалар сўзга чиқишди. Маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, истиқлол айёмига қизин ҳозирлик кўриш, уни юксак савияда кутиб олишга оид ишларни кенг, изчил ёритиш юзасидан матбуот, телевидение, радио ва интернет соҳасида фаолият юритаётган журналистларга амалий тавсиялар беришди.

Мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб

бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омилни халқимизнинг тафаккури ўзгартириб, фуқаролик фаолиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бири бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзунинг чуқур ўрганиши талаб этади.

Анжуманда Ўзбекистон миллий ахборот тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорлар, истиқлол айёмини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, иқтисодий ривожланиш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳаларидаги сай-ҳаракатлар, "Соғлом бола йили Давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижросига доир маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro haqot



АФФОНИСТОН пойтахтидаги халқаро аэропортга уюштирилган қуролли ҳужум юзасидан жавобгарликни "Талибон" ҳаракати ўз зиммасига олди. Жангарилар вакили Забиулла Мужоҳид "Биз мужоҳидлар энгил ва оғир қуролланган ҳолда Қобул халқаро аэропортга ҳужум уюштирдик", — дея баёнот берган.

Авалроқ бир гуруҳ қуролланган шахслар аэропортнинг шимол томонидан бинога қарата ўт очган. Натижада бир қатор кучли портлашлар юз берган. Ҳозирча ҳужум натижасида қурбон бўлганлар ҳақида маълумот йўқ.

ЕВРОПА парламенти депутатлари сешанба кuni Страсбургда бўлиб ўтган умумий йиғилишда яширин овоз бериш йўли билан Люксембург собиқ бош вазири Жан-Клод Юнкерни Европа комиссияси раиси этиб сайладилар. Сайланиши учун 376та овоз етарли бўлишига қарамай, у 400дан ортиқ овозга эга бўлган.

Номзодга овоз беришдан аввал у ўзининг янги дастури "Европа учун янги бошланиш: менинг кун тартибим — бандлик, иқтисодий ўсиш, ҳуқуқий ва демократик ўзгаришлар" бўйича чиқиш қилиб, дастурига Еврокомиссиянинг келгусида турли соҳаларда олиб борадиган фаолиятининг ўн та истиқболли йўналишини ақраиб берди.

УКРАИНА президенти маъмурияти Россия билан дипломатик муносабатларни тўхтатиши мумкин. Бу ҳақда Украина президенти маъмурияти раҳбари ўринбосари Валерий Чалий маълум қилган. "Украина ҳукумати ушбу масалани, шунингдек, бу қадам оқибатларини ўрганиб чиқмоқда", — деди маъмурият вакили.

ИСРОИЛ Миср томонидан таклиф этилган урушни тўхтатиш ва музокараларни бошлаш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаган. Аммо ҲАМАС мазкур келишувга рози бўлмаган. Исроил мунтазам равишда Газа секторига ҳаводан зарбалар йўлламоқда ва бунинг натижасида аёллар ва болалар қурбон бўлмоқда, ўз ўрнида ҲАМАСнинг жангари қаноти ҳам Исроил ҳудудини ўққа тутишда давом этмоқда.

АҚШ Мисрнинг таклифини тасдиқлаган. АҚШ Давлат котиби Жон Керри сешанба кuni Мисрга ташриф буюриб, юзага келган оғир вазиятдан чиқиш йўллари қидириб кўради.

ЯПОНИЯда ҳаво ҳарорати целсий бўйича 36 даражадан пастлаётгани йўқ. Ўтган ҳафта бу мамлакатда офтоб уриши оқибатида уч киши қурбон бўлди, 2,4 минг киши шифохонага етказилган. Беморларнинг 50 нафари узоқ муддатли даволаниш муолажаларига муҳтож.

Қурбон бўлганлар ва шифохонага ётқизилганларнинг кўпчилиги 65 ёшдан юқори бўлган қариялардир. Япония ҳукумати аҳолини кўпроқ сув ичиш ва кўчага бошни офтобдан сақлаб чиқишга чақирди.

МОСКВА метросида авария оқибатида ҳалок бўлганлар сони 23 кишига етди. Шаҳар ҳукуматининг берган маълумотларига кўра, 150 киши жароҳатланган, улардан юз нафари шифохонага ётқизилган.

Эслатиб ўтамиз, 15 июл кuni "Парк победы" ва "Славянский бульвар" станциялари орасида поезднинг учта вағони релсдан чиқиб кетиши ҳалокатга сабаб бўлганди.

Toshiba танҳо эмас

Toshiba (Япония) энди 4К дисплейли ноутбуклар ишлаб чиқарувчи ягона компания эмас, негаки Хитойнинг Lenovo компанияси ҳам турдош компютерлар сотувини йўлга қўйди. Асосан геймерларга мўлжалланган Lenovo IdeaPad Y50 UHD ноутбуклари тасвир кўрсаткичи 3840x2160 пикселга тенг бўлиб, нархи — 1300 доллар (Toshibадан 100 доллар арзон).



Электрон овоз берилмайди



Норвегиянинг электрон овоз бериш тизими лойиҳаси татбиқ этилиши шубҳа остида турибди. Мазкур тизим 2011 ва 2013 йилларда ўтказилган сайловларда синов тариқасида қўлланилганди. Ҳукумат вакилларининг маълум қилишларича, аксарият сайловчилар ўз овозларининг ошкор бўлиб кетиши ва демократия принципларининг бузилиши мумкинлигидан хавотир билдириши натижасида электрон овоз бериш тизими устидаги синов-тажрибалар ҳозирча тўхтатилди.

Apple ва IBM кучларни бирлаштиради

Apple ва IBM корпоратив мобил иловалар ишлаб чиқишда кучларни бирлаштиради, бу ишланмалар Apple маҳсулотлари — iPhone смартфонларидан тортиб iPad планшетларигача ишлатилиши кутиляпти.

Янги ечимлар турт асосий йўналишни қамраб олади: корхоналар учун 100дан ортиқ соҳа ечимлари; IBM булутли сервислари; сервис хизмати ва корхоналар учун AppleCareни қўллаб-қувватлаш; фаолаштирилган қурилмалар учун IBMдан янги пакет ишланмалар.



Хитойликларнинг шашти баланд



China Mobile операторининг 4G мобил алоқасидан фойдаланувчилар сони 10 миллион нафардан ошди, дея хабар беради Синхуа ахборот агентлиги.

Эслатиб ўтамиз, компания мазкур хизматта лицензияни 2013 йил охирида қўлга киритганди ва ҳозирга келиб унинг тармоғи Хитойнинг 300дан ортиқ шаҳрини қамраб олган. Компаниянинг вакили маълум қилишича, China Mobile мазкур стандарт учун ўрнатган база станциялари сони АҚШдаги етакчи учта операторнинг жами 4G станцияларидан кўп.

Ҳар тўқисда бир айб

Bell Labs компанияси мис телефон кабели орқали интернет тезлигини 10 Гбит/сониягача етказиш мумкинлигини исботлади. Лаборатория шароитида бунинг учун 30 метрлик симдан фойдаланилди. G.fast алоқа стандартига асосланган мазкур синов одатдаги 106 МГц ўрнига юқори 500 МГц частоталарга қурилди. Нуқсонлар ҳам йўқ эмас: масофа қанча узоқлашса тезлик шунча пасаяркан, масалан, 30 метрда — 10 Гбит/с., 100 метрда — 700 Мбит/с.

HR мобил бизнесда

HR компаниясида янги — тижорий мобил ечимлар ва дастурий таъминот бўлими очилди.

Эътиборга молик жиҳати, корпорация бизнесининг ушбу йўналиши азалдан стратегик ҳамкорлар саналган Microsoft ва Intel билан биргаликда ривожлантирилади. Хабарларга кўра, янги бўлимнинг илк ишланмалари 2014 йил кузидан омма эътиборига ҳавола этиларкан.

Интернет-медиа

Strategy Analytics компанияси аниқлашича, интернетга чиқувчи жаҳондаги медиа-қурилмалар (смарт ТВ, уйин қурилмалари, Blu-ray-плеерлар, рақамли медиа-адаптерлар, ТВ-приставкалар) умумий сони 2013 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда икки карра ошиб, 2 млрд.га етади.

Жаҳон бўйлаб кенг истеъмол электроникаси чакана савдо ҳажми кўрсаткичи 2017 йили илк мартаба 1 трлн. доллардан ошиши кутиляпти.



Шохрух САИДОВ тайёрлади

◀ 1-бет

Иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни янада қўллаб-қувватлашда ҳар йили ёзги таътил даврида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли анжуманларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Навбатдаги шу каби семинар Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти билан ҳамкорликда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси йўналишлари, бугунги кун ва истиқболлари. АКТ соҳасидаги янгиликлар" мавзуга бағишланди. ТАТУ ва унинг филиаллари ҳамда Тошкент шаҳридаги соҳага оид етти коллежнинг иқтидорли талабалари жам бўлган ушбу семинарда АКТ соҳасининг етук олимлари ўзларининг турли йўналишлардаги қизиқарли маърузалари билан иштирок этдилар.

Семинарни ТАТУ ректори Ҳ.Мухитдинов очиб, мамлакатимизда ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун ёшларга барча имкониятлар яратиб берилаётгани, фақат улар шу имкониятлардан унумли фойдаланиб қолишлари лозимлигини таъкидлади. Бу борада уларни университет раҳбарияти, қолаверса, соҳа корхона ва ташкилотлари жонқур ташкилотчилари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдириб, анжуман ишига омад тилади.

Астрономия фани ўзининг фазовий тилсимлари билан бошқа фанлардан ажралиб туради ва бу фанга доимо қизиқиш ўзгача бўлган. Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улугбек номидаги Астрономия институти директори, профессор Шўҳрат Эгамбердиев "Астрономия тадқиқотларининг ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг роли" мавзудаги маърузаси билан ёшларни ушбу фаннинг сеҳрли оламига жалб қила олди.

Маърузада айтилганидек, ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида сўз борганда, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқийс ҳисса қўшган ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номи биринчилар қаторида тилга олинади. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, нол белгисини ва қутблар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожидида кескин бурилиш ясади.

Яна бир ватандошимиз Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" фундаментал асариди оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишига эга экани ҳусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг ама-

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

лий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб — устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида "ниломер" деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Улуг қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31таси етиб келганига қарамадан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу

Мирзо Улугбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

лумотлар базасини электронлаштириш устида иш олиб бораётган. Мақсадим маҳалла фуқаролар йиғинларидаги қоғозбозликни камайтириш, вақтни тежаш ва шу орқали молиявий харажатларни камайтиришга эришишдир. Айни дамда дастурий таъминотим Олмазор туманидаги Мискин маҳалласида синовдан ўтказилди. Маҳалланинг мингдан ортиқ аҳолиси электрон базага киритилди. Базада аҳолининг турли қатламларини алоҳида жойлаштириш имконияти мавжуд. Масалан, база

XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри



тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далolat беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни тақлиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бугун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан "Беруний асри" деб аталиши бежиз эмас.

Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқанда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улугбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шўҳрат қозонган ва унинг номи ҳақда равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуг илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади.

Маърузачи ўз фикрларини слайдлар орқали намоёиш қилган иштирокчиларнинг астрономияга бўлган қизиқишини янада оширди.

— Бу каби семинарда учинчи бор иштирок этишим, — дейди ТАТУнинг телекоммуникация факултети 3-босқич талабаси, Беруний стипендияси номзоди Нодир Қодиров. — Мен ва мен каби соҳада изланишлар олиб бораётган тенгдошларим учун ушбу анжуманлар жуда аҳамиятлидир. Аввало, иқтидорли тенгдошларимиз билан жам бўлиб ўзаро фикр алмашамиз, бир-биримизнинг ютуқларимиз билан ўртоқлашамиз, камчиликларимизни муҳокама қиламиз. Қолаверса, АКТнинг бошқа соҳаларга қай даражада татбиқ этилаётганидан, ютуқ ва камчиликларидан хабардор бўламиз ва бу орқали янги ғояларни туғилади. Бу ғояларни устозларимиз кўмагида ривожлантириб, ҳаётга олиб киришга ҳаракат қиламиз.

Мен ўзим маҳалла фуқаролар йиғинлари маъ-

ёрдамида сайлов ёшидагилар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар, пенсионерлар сонини тез ва осон аниқлаш мумкин. Ишимни муваффақиятли яқунлаб олсам, амалиётга кенг жорий этиш умидидаман.

Иштирокчилардан Сарвар Ортиқбоев, Фаррух Абдувоҳидов каби иқтидорли ёшлар ҳам бу йиғинлар фикрлар хилма-хиллиги майдони, соҳа даргаларининг ёшларга бўлган эътибори эканлигини таъкидлашди.

Икки кун давом этган семинарда бир-бирдан қизиқарли маърузалар тингланди. Тошкент Давлат техника университети профессори Б.Умурзоқовнинг "Нанотехнология: бугун ва келажакда", "UNICON.UZ" ДУК бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди О.Аҳмедовнинг "Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий муаммолари", Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази директори Ш.Ҳ.Абибуллаевнинг "Электрон ҳукумат тизими лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммолари" ва бошқа мавзулардаги маърузаларни ёшлар катта қизиқиш билан тингладилар. Ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар олишди.

Анжуман доирасида ёшлар Алоқа тарихи музейига ташриф буюриб, у ердаги соҳага оид осорياتикаларни томоша қилдилар. Соҳанинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги тушунчаларини янада бойитдилар. "UNICON.UZ" ДУКнинг Сертификатлаштириш-синов марказида эса уларга марказ фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинар якунида ёшларга махсус сертификатлар берилди. Энг муҳими, улар билимларини бойитишди, янги ғояларга тамал тошларини қўйишди, илм-фан йўналишида янада баланд чўққиларни забт этишни мақсад қилиб олишди. Анжумандан кўзланган мақсад ҳам аслида шу эди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

XI аср бугун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан "Беруний асри" деб номланган.

Увеличен

максимальный срок действия сертификата ключа электронной цифровой подписи

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан "О внесении в положение о порядке деятельности центров регистрации ключей электронных цифровых подписей" от 9 июля 2014 года в два раза увеличен максимальный срок действия сертификата ключа электронной цифровой подписи (ЭЦП).

Согласно изменению, внесенному в Положение о порядке деятельности центров регистрации ключей ЭЦП, срок действия сертификата ключа ЭЦП должен быть не более 24 месяцев с момента регистрации ЭЦП (ранее максимальный срок составлял 12 месяцев). Срок действия сертификата может быть продлен договором, но не более двух раз.

По закону "Об электронной цифровой подписи", ЭЦП — это подпись в электронном документе, полученная в результате специальных преобразований информации электронного документа с использованием закрытого ключа ЭЦП и позволяющая при помощи открытого ключа ЭЦП установить отсутствие искажения информации в электронном документе и идентифицировать владельца закрытого ключа ЭЦП.

Сертификат ключа ЭЦП представляет собой документ, подтверждающий соответствие открытого ключа ЭЦП закры-



тому ключу ЭЦП и выданный центром регистрации владельцу закрытого ключа ЭЦП. Сертификат может быть изготовлен в форме электронного документа и в форме документа на бумажном носителе.

Изменения приняты в соответствии с указом Президента Республики Узбекистан от 7 апреля 2014 года "О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан".

cciff.uz

Реклама

Международная торговая корпорация OOO HongTaiXiang SUAP

Международная торговая Корпорация OOO Hongtaixiang SUAP была создана и зарегистрирована в тех-парке в 2007 году. Ее деятельность охватывает импортно-экспортную торговлю, стройку, международный электронный бизнес, торгово-экономическую консультацию и т.д.

Корпорация поддерживает культурные и торговые контакты с более 10-ю странами, в том числе с Казахстаном, Узбекистаном, Россией.

Корпорация вполне используя всякие превосходства тех-парка, получила права на импорт и экспорт, активно развивает деловую связь со странами Центральной Азии в области пограничного туризма, шопинга и экспорта. Бизнес-представительство корпорации находится в городе Алматы (Казахстан).

Корпорация вполне используя китайско-узбекскую электронную импортно-экспортную биржу, адаптируясь по течению развития электронной торговли, принимает активное участие в глобальной конкуренции, и тем самым вышла на передний край в области торговой транспортировки.

Корпорация занимается экспортно-импортной торговлей, поставляет технические и строительные механизмы и машины, грузовики, автомобили, электромеханические продукты, текстильные и бытовые товары, водоотопительные материалы и запчасти для сельскохозяйственных машин и принимает нефтехимические продукты, хлопок и пряжу, сахар, удобрение, серу и растительные лекарства.

Корпорацией придерживается принцип честности, деловитости, взаимной выгоды, опираясь на свое преимущество "качество, цены и обслуживания" завоевала доверие у многих китайских и зарубежных клиентов.

Ваше удовлетворение — наше стремление. Мы готовы вместе с китайскими и зарубежными коллегами стремиться к совместному развитию в целях создания светлого будущего!

Услуги лицензированы.

Адрес: 833200 г. КУЙТУН СУАР КНР.

Куйтун-Душаньский нефтехимический парк.

Тел. (+86) 992-390-15-50.

Представительство в Урумчи: (+86) 991-883-04-04.

Факс: (+86) 992-390-15-53 E-mail: xjinxiya@163.com

Веб-сайт: <http://batchenex.com>

Одним из основных условий развития современных телекоммуникационных технологий в настоящее время является постоянное повышение качества предоставляемых услуг связи. В условиях рыночной экономики политика в сфере контроля качества является важной составляющей конкурентной борьбы. При этом оператор связи телекоммуникаций обычно отвечает, в первую очередь, не перед государственными и контролирующими органами, а перед пользователями услуг телекоммуникаций.

Контроль качества — самый злободневный вопрос эксплуатации сети телекоммуникации

Анализ эксплуатации сети телекоммуникации показывает, что вопрос повышения качества предоставляемых услуг связи во многом зависит от осуществления контроля за качеством функционированием сети телекоммуникации. Каждый специалист, обслуживающий систему связи, понимает, что это весьма существенная и важная проблема. Но при этом редко кто из них правильно понимает, как нужно строить техническую политику в этой области и что, собственно, подразумевается под понятием "контроль качества на сети телекоммуникации".

Отсутствие на предприятии систематического анализа имеющихся проблем по контролю за качеством, приводит к ухудшению эксплуатации сети телекоммуникаций. Во многих случаях измерения, проводимые на сети связи, превращаются в процесс "измерения ради измерений" и носят низкоэффективный характер. Предприятие эксплуатирующее сеть телекоммуникаций должно быть заинтересовано в постоянном совершенствовании методов контроля качества и работать с чувством ответственности за качественное предоставление услуг связи пользователям.

Отсутствие политики в области контроля качества приводит также и к кадровым проблемам. Наиболее работоспособные и опытные кадры уходят в те предприятия, где вопросам повышения качества уделяется повышенное внимание, в результате чего такие предприятия, как правило, экономически благополучны.

В настоящее время каналы первичной сети измеряются, время от времени, этот же принцип действует на коммутируемых телефонных каналах. Используемая схема контроля, как например проведение тестового набо-

ра телефонного номера пользователя, принимается как основной параметр коммутируемого канала. Такая методика в целом может считаться методикой контроля качества в телефонной сети, однако в большинстве случаев абонент жалуется не на параметры коммутируемого канала, а на сам процесс коммутации, т.е. абонент недоволен тем, что он не может дозвониться по причине наличия посторонних шумов (эха) в телефонной трубке.

Какие же меры необходимо предпринять операторам связи телекоммуникаций для улучшения создавшегося положения в обеспечении качественных услуг связи пользователям? К основным мерам по повышению эффективности контроля качества можно отнести такие как: проведение систематического анализа имеющихся проблем по контролю за качеством, изучение и соблюдение, требований нормативно-правовых актов, регламентирующих эксплуатацию сети телекоммуникации, ведение первичной документации в установленном порядке, проведение технических занятий с сотрудниками по практическому применению требований нормативно-правовых актов.

В заключении хотелось бы напомнить операторам связи телекоммуникаций, что только в результате качественного обслуживания пользователей, можно обеспечить доверие пользователей и развитие современных телекоммуникационных технологий.

Г.МАЛИКОВА,
начальник отдела
телекоммуникационных
технологий и услуг
Государственной инспекции по
надзору в сфере связи,
информатизации и
телекоммуникационных
технологий

Получение справки о принадлежности к малому бизнесу!

Запущена новая услуга Государственного налогового комитета для предпринимателей "Принадлежность к субъектам малого бизнеса" на Едином портале, которая позволит получить подтверждение принадлежности субъекта предпринимательства к малому бизнесу. Данная услуга предназначена только для юридических лиц, зарегистрированных на Едином портале.

Теперь не выходя из офиса можно получить информацию о численном составе и принадлежности к малому бизнесу от органов налоговой службы Республики Узбекистан и распечатать данную справку.

Услуга является бесплатной для всех юридических лиц.

BUNYODKOR YOSHLAR-2014

Бунёдкор ёшлар

Компютер саводхонлиги ўқув курсларини олиб боришмоқда

Юртимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2006 йилдан бери талаба ёшларни моддий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ёшга таътил даврида уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш ҳамда қўшимча даромад олиш имконини яратиш мақсадига "Олий таълим муассасаларидаги талабалар, шунингдек, кенг ёшлар қатлами ўртасида меҳнат ҳаракати фаолиятини ташкил этиш" лойиҳаси амалиётга жорий қилинмоқда.



Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали талаба ёшлари ҳам "Бунёдкор ёшлар-2014" меҳнат ҳаракатида фаол иштирок этиб, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги мактаб, коллеж, академик лицейлар ёшлари ҳамда аҳолига интернет тармоғида ишлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш мақсадига компютер саводхонлиги ўқув курсларини олиб бормоқдалар. Унга қадар ўқув курсларида иштирок этадиган талабалар учун филиалда кўникма ўқув

дарслари ташкил этилди.

Ўқув курсларига тингловчиларни кенгроқ жалб қилиш мақсадига вилоят ўрта махсус касб-хунари таълими бошқармаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Филиал талабалари Қашқадарё вилоятидаги ўн та, Сурхондарё вилоятидаги бешта ахборот ва компютер технологиялари касб-хунари коллежларида компютер саводхонлиги юзасидан самарали усулдаги ўқув курсларини олиб боришяпти. Ўқув курсларига филиалнинг 77 нафар

иқтидорли ёшлари жалб қилиниб, айти кунда машғулотларда тўрт юзга яқин ёшлар ва аҳолининг турли қатлам вакиллари иштирок этишаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча талабалар зарур техник жиҳозлар билан таъминланган. Уларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун шина тураржойлар ташкил қилинган. Ҳар куни маънавий соатлари ўтказилиб бориляпти.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

SHUKRONA

Инсон нимага астойдил интилса, албатта эришади. Мен ўз ҳаётимда бунинг исботладим, десам муболага бўлмайди. Ҳаёт оқ ва қора ранглари каби бахтли ва бахтсиз тасодифларга ҳам тўла экан. Мен ҳам ана шундай бахтсиз тасодифларга тушиб қолганман. Аммо тақдирга таян бериб, оёғимда юрмас эканман, деб бировларга юк бўлишни ҳаётимга ҳам келтирмаганман. Оёқ бўлмас, қўлтиқтайқдаям юриб, олдинга интилса бўлишни ҳаётнинг ўзи менга ўргатди.

Ҳаммаси истиқлол шарофатидан

Мана, салкам ўн йилдан буён Навоий информатика ва электрон саноат касб-хунари коллежининг биология фани ўқитувчиси сифатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келяпман.

"Биология фанидан лаборатория машғулоти ўтказиш бўйича" услубий қўлланма, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан услубий маъмуам ҳамда биология фанидан икита маърузалар матнин вилоятдаги академик лицей ва касб-хунари коллежлари ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. "Табиий ва сунъий экотизимлар" мавзусидаги очиқ дарс ишланма вилоят миқёсида омма-лаштирилганлиги ҳам менга катта рағбат бўлди.

Коллежда "Ёш биологлар" тўғрага раҳбарлик қиламан. Тўғрагимизга қизиқувчиларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Ёшларни табиий бойликларни асрашга ундовчи машғулотларимиз экологик маданиятни юксалтиришга хизмат қиляпти.

Нолишни ёмон кўраман. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Мен ҳам ўтган йили мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан "Жасорат" медали билан тақдирландим. Кўксимга Ватан муқофоти тақилаётганда кўзларимдаги ёшни яширолмадим. Менга қараб туриб, залдагиларнинг ҳам юраги тўлқинланиб кетгани худди кечагидек ёдимда... Ҳаммаси учун авваламбор мустақилликдан ва мустақиллигимизни таъминлаб берган Юртбошимиздан, ҳамкасбларимдан, мени руҳан қўллаб-қувватлаган, суянч бўлган барча яқинларим ва қадрдонларимдан миннатдорман.

Сайёра ШАРИПОВА,
Навоий информатика ва электрон саноат касб-хунари коллежи ўқитувчиси, "Жасорат" медали соҳиби

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ХАБАРДОР ҲОЛДА...

Бу йил Жарқўрғон саноат касб-хунари коллежини қарийб беш юз нафар йигит-қиз битиришди. Улар асосан тўқимачилик, нефт ва газ саноати соҳалари бўйича бошланғич билим ҳамда кўникма ҳосил қилиб, мустақил ҳаётга йўлланма олишмоқда. Эътиборлиси, қишлоқ ёшларининг деярли барчаси замонавий технологиялар асосида ишлаш лаёқатини шакллантиришга бирлашчи вазифа сифатида қарашди.

Бунда "Сурхонтекс", "Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш" қўшма корхоналари, "Жарқўрғоннефт" очиқ акциядорлик жамияти, "Жарқўрғонпахта" ҳиссадорлик жамияти жамоалари билан тузилган шартнома муҳим аҳамият касб этди. Ўтказилган амалиёт машғулотида ип йигирув ва тўқув, нефт қазиб олиш ҳамда уни қайта ишлаш жараёнини замонавий ахборот технологиялари кўмағида автоматик бошқариш сирлари пухта ўргатилди.

Муҳими шундаки, Анваржон Ражабов раҳбарлик қилаётган коллеж жамоаси шогирдларининг билим ва хунари масканига шунчаки келиб-кетмаслигини алоҳида назоратга олишди. Ўз навбатида, компютерда ишлашни шакллантиришга қизиқишни уйғотиш мақсадига махсус тўғарақ ташкил этилди, ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун етарли шарт-шароит яратилди.

Коллеж директорининг касбий таълим бўйича уринбосари Ўткир Худойқуловнинг билдиришича, йўлга қўйилган бу каби амалий тадбирлар битирувчи ёшларнинг эртанги кунга катта умид ва ишонч билан боқиб ҳислатларини кучайтиришга кенг имкон бермоқда. Олайлик, даргоҳда ёшларнинг бандлигини таъминлаш штаби йил бошидан бери фаолият кўрсатиб келяпти. Интилувчан ва изланувчан ёшлар билан "Микрокредитбанк"нинг туман филиали кредит бўлими бошлиғи Анвар Иброҳимов шуғулланишга вақт топмоқда. Натижада битирувчилардан баъзилари ўз бизнес лойиҳаларини тақдим этишга муваффақ бўлишди. Жумладан, Рисолат Жайлово-

ва ҳамда Феруза Аллановалар биринчилар қаторида тадбиркорлар сафига қўшилишди. Уларнинг ҳар бирига 2 миллион 800 минг сўм банк кредити берилиб, лойиҳа ижроси молиявий қўллаб-қувватланди.

Тўғри, Жарқўрғон саноат касб-хунари коллежи битирувчилари орасида тадбиркорлик йўналишида иш бошлашга аҳд қилганлар бармоқ билан санарли. Энг муҳими, уларнинг кўпчилиги тез орада тўқимачилик, нефт ва газ саноати соҳаларида меҳнат қилишга киришишди. Қувонарлиси, катта мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўйиш арафасида "Сурхонтекс" қўшма корхонаси қуввати янада ошди. Белгия мамлакатидан келтирилган ва автоматик тарзда бошқариладиган тўқув дастгоҳлари юқори унум билан ишламоқда. Шу билан бирга, "Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш" қўшма корхонасида модернизация ишлари ниҳоясига етказилмоқда. "Жарқўрғоннефт" ОАЖ тасарруфидаги нефт қудуқлари механизмлари ҳам замонавийлаштирилмоқда. Умид қиламизки, коллеж битирувчилари ўз иш ўринларини топадиган бу жамоаларда самарали хизмат қилишиб, мустақил Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишади. Нега деганда, улар замонавий ва жаҳон андозаларига мос ахборот тизимларидан хабардор ҳолда устозлар ишончини оқлашга астойдил киришишмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

АКТ: Изланиш самаралари ва ёруғ истиқбол

Электрон ҳужжат айланиш тизими

www.navoi.uz

Янги интерактив давлат хизматлари билан

Яқин-яқингача Навоий вилоятида ҳам интерактив давлат хизматлари, веб-сайт, ягона портал деган тушунчалар йўқ эди. Мустақилликка эса, ҳатто, мобил телефон ҳам эртатка ўхшар эди.

Ўтган 23 йил ичида юз берган ўзгаришлар шу қадар улкан бўлдики, бу йилларнинг ҳар бири асрларга тенг йиллар, дейиш мумкин.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят компютерлаштириш маркази ҳамкорлигида вилоят ҳокимлигининг расмий портали (www.navoi.uz) янги ва замонавий кўринишда янгилади ҳамда ўзида 12та интерактив давлат хизматларини жамлаган ҳолда фаолият кўрсата бошлади. Ушбу портал орқали яқин кунлар ичида яна 70га яқин интерактив давлат хизматларини ишга тушириш режалаштирилган.

Вилоят аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари учун бу портал воситасида ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.shu.gov.uz)га мурожаат этиш имконияти пайдо бўлди.

Порталнинг маълумотномалар бўлими орқали вилоятдаги таълим ва тиббиёт муассасалари, олий ўқув юрталари, ФХДЭ органлари, давлат архиви идоралари, маҳаллалар, ички ишлар бўлимлари, тижорат банклари, солиқ инспекциялари ва молия муассасалари, ахборот-ресурс марказлари, давлат нотариал идоралари, сугурта компаниялари ҳамда меҳмонхоналар тўғрисидаги маълумотларини ҳам олиш мумкин.

Шунингдек, ушбу янги порталда Навоий вилояти ҳокими қабулга ёзилган, онлайн қабулхона, фуқаролар мурожаати, шаҳар ва туман ҳокимларига таклиф ёки шикоятлар билан мурожаат этиш каби бир нечта янги бўлимларнинг жорий этилгани АКТ соҳасида вилоятда амалга оширилаётган ишларнинг яққол нисоли бўла олади.

Навоий вилояти

АСРИЙ

Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўз сайти бор

20-25 йил аввал оддий телефон алоқаси ҳам муаммо бўлган шаҳар ва туманларнинг ҳар бирида бугун интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги ахборотлар билан республикамиз аҳолисини мунтазам хабардор қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятнинг Кармана, Хатирчи, Нурота, Томди туманлари, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳокимликларининг расмий веб-сайтлари яратилди, мавжудлари эса янгиланди.

Вилоятда ўз расмий веб-сайтига эга бўлиши зарур деб топилган 38та давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхати шакллантирилди. Булардан 10таси шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда 28таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидир. Бугунги кунда шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари 35тасининг ўз расмий веб-сайтлари ишга туширилган.

Бундан ташқари, Навоий вилояти ҳокимлиги ва барча шаҳар ва туман ҳокимликларига умумий зуғулиги 9,04 км. бўлган оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди ҳамда туманлараро видеоконференция тизимини ишга тушириш учун сўз ҳолатга келтирилди.

ФАКТ

Вилоятда жорий йилнинг 1 июл ҳолатида интернетдан фойдаланувчилар сони 249 мингдан зиёдни ташкил этади. Ана шу интернетдан фойдаланувчиларнинг 235 мингдан ортиги мобил интернетдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Коллежда "Электрон даволат" тизими

Мустақилликка қадар иш ва дарс жараёнларига ходим ва ўқувчиларнинг қатнашишини назорат қилиб бориш кўп вақт талаб қиладиган мураккаб юмуш эди. Эндилдикда? Бу юмуш энди электрон қурилмалар зиммасига юкланди. Мисол учун, қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда "Navoiy PROGRESS" МЧЖ билан ҳамкорликда Навоий информатика ва электрон sanoat касб-хўна коллегига "Электрон даволат" тизими ўрнатилди.

Ушбу тизим ўқувчи ва ўқитувчиларнинг дарс машғулотларига тўлиқ қатнашишларини, улар орасида назоратсизлик, жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, таълим муассасаси ҳамда ота-оналарнинг ўзаро амалий ҳамкорлиги ва тезкор ахборот алмашинув механизмини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

"Электрон даволат" тизимининг ишлаш принциби: ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи ва ипчи-ҳодимга берилган рўхсатномаси махсус штрих код билан таъминланган

бўлиб, бинонинг кириш ва чиқиш жойига ушбу махсус кодни ўқийдиган сканер қурилмаси жойлаштирилган. Кириш ва чиқиш жойига ўрнатилган веб-камералар орқали ўқувчилар рўхсатнома сканер қурилмасидан ўтказилаётган вақтда суратта олинади ва сервернинг маълумотлар базасида сақланади.

Шунингдек, ушбу тизим ўқувчиларнинг даволатини кунлик, ҳафталик, ойлик мониторинг қилиш имконини яратиб берди. Иш ва дарс машғулотларига кечикиб келишлар, эрта кетиб қолишларнинг олдини олиш ҳамда ўқувчиларнинг кунлик ўртача даволатининг 98 фоизга қўтарилишига эришилди. Шу билан бир қаторда, дарс машғулотларига уч кун, бир ҳафта ва ундан ортиқ келмаганлар тўғрисида алоҳида маълумот олиш имкони ҳам яратилди.

Тизимнинг яна бир алоҳида муҳим жиҳатларидан бири бу ота-оналарга фарзандларининг дарс машғулотига борган ёки бормаганлиги тўғрисидаги хабар қисқа SMS хизмати орқали мобил телефонига етказилади ва хабардор қилинади.

Янги режа:

"Беморларни электрон рўйхатга олиш" тизими

Қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда "Беморларни электрон рўйхатга олиш" тизимини жорий этиш келгусидаги ишларнинг бош режасида турибди.

Ушбу тизимнинг афзаллиги тиббиёт муассасасининг иш фаолиятини автоматлаштиришдан иборат бўлиб, махсус дастурий маҳсулот орқали тез фурсатда беморни рўйхатга олиш ва барча зарур бўлимларга йўлланмаларни электрон шаклда бериш имкониятини яратиб беради.

Фозил ТЕШАЕВ, қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ҳамкор

"Ўзбектелеком" АК мамлакатимизда аҳолига замонавий сервис хизмати кўрсатиш борасида етакчи компаниялардан бири саналади. Мазкур компания яқинда республикамиз бўйлаб янги лойиҳа — "Чақириқларга хизмат кўрсатиш" ягона марказини фойдаланишга топширди.

Жумладан, Навоий вилоятида ҳам мазкур марказ ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирча 084 рақами билан интернет хизмати, мобил алоқа ва оддий телефон хизматлари юзасидан савол ва чақириқларга тезкорлик билан хизмат кўрсатаётган марказнинг фаолияти келгусида янада кенгайтиши кўзда тутилган.

Масалан, бугунги кунда ички ишлар, тез ёрдам, ёнгин, авария, газ хизмати каби турли хизматлар алоҳида-

алоҳида ҳолда чақириқларни қабул қилаётган бўлса, келгусида буларнинг барчаси ягона рақам орқали амалга оширилиши назарда тутилган. Яъни, фуқаролар, қанақа муаммолари бўлишидан қатъи назар, ягона рақамга мурожаат қилиш орқали унинг ечимини топишлари мумкин.

Кармана туманида жойлашган ягона марказда бугунги кунда ўнга иш ўрни яратилди. Энг муҳими, олий ва ўрта махсус маълумотга эга ёш мутахассислардан саккиз нафари иш билан таъминланди.

Учкун АБДУЛЛАЕВ,
қўмитанинг Навоий вилояти ҳудудий
бошқармаси етакчи мутахассиси

ФАКТ

■ "Чақириқларни қайта ишлаш" марказида 24 апрелдан 1 июлга қадар вилоятимизнинг барча ҳудудларидан жами 1963та кўнғироқлар қабул қилинган.

орзулар рўёби

"TELECOM INNOVATIONS" — истиқлол корхонаси

Замонавий стандартларга жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи гада тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш мақсадида 2010 йили "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "TELECOM INNOVATIONS" телекоммуникация қурилмалари ишлаб чиқарувчи янги қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади.

Корхонада қисқа йиллар ичида янги замонавий DVB-T стандартидаги "FTA", "SD" ва "HD" турдаги ҳамда DVB-T2 (Set-Top-Box)лари, ADSL модем ва DSLAM телекоммуникация қурилмалари тайёрланмоқда. Шунингдек, интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятини берувчи IPTV (Set-Top-Box)лари ва "Home gate way" қурилмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Рақобатбардош ва энг асосийси импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулотлар билан бир қаторда, келгусида янги турдаги технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 40 нафар ишчи-ходимнинг аксариятини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этади. Жорий йилда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида иккита янги иш ўрни яратилди.

Фирдавс АЛИЕВ,
"TELECOM INNOVATIONS" қўшма корхонаси директори



Ишончни, албатта, оқлайман!

Авваллари касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ишга жойлашолмай сарсон-саргардон бўларди. Истиқболи бўлмагандан кейин ўқишнинг ҳам қизиғи йўқ эди. Юртбошимизнинг шахсан биз ёшларга ғамхўрликлари туфайли коллеж битирувчилари билан корхоналар ўртасида уч томонлама шартномаларнинг имзоланиб, ўқувчиларнинг диплом олишлари биланоқ қаерга ишга боришлари аниқ белгилаб қўйилди.

Мен ҳам ўтган йили Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежини оператор мутахассислиги бўйича тамомладим. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали билан тузилган шартномага биноан филиалнинг Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғига ишга жойлашдим. Мени бу ерда Зилола Алиева, Нафиса Жўраева, Феруза Муҳаммадовалар очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Билмаганларимни кунт билан ўргатишди. Устозлик қилишди. Билимим ва қобилиятимни ишга солишим, тажриба орттиришим учун Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғининг 2-алоқа бўлимига оператор сифатида мустақил ишга йўланма беришди. Бу ерда ҳам узоқ йиллардан буён меҳнат қилаётган хат ташувчи Гулсара Ҳамроевадан муомала маданиятини, мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни

ўргандим. Гулсара опа ҳамиша ёнимда билмаганларимни кунт билан ўргатиб келмоқда.

Менга катта ишонч билдириб, алоқа бўлими бошлиғи вазифасини бажаришни топширишди. Бу вазифа, бу ишонч, албатта, зиммамга катта масъулият юклаши табиий. Шунинг учун ҳам бугунги тезкор замонда ахборот технологияларидан фойдаланишни пухта ўрганишга, ўз билимларимни оширишга, изланишга ҳаракат қиламан.

Алоқа бўлимида хизматидан вилоят шифохонаси, ётоқхоналарда турувчилар ҳам фойдаланишади. Мижозлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаймиз. Электрон пул жўнатмаларини аниқ ва тез жўнатиш, хат-хабарлар, жўнатмаларни ўз муддатида расмийлаштириш менинг зиммамда.

Бундан ташқари, 1260 нафар пенсионерга ҳам намунали хизмат кўрсатяпмиз. Кексаларнинг дуоси ишимизга ривож, ўзимизга ишонч туйғулари янада орттирмақда.

Гулшода ТЕМИРОВА,
Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи
2-алоқа бўлими бошлиғи

ФАКТ

■ Кейинги икки йилда соҳага ихтисослашган касб-ҳунар коллежларини битирган 50дан ортиқ йигит-қизлар, олий таълим даргоҳини тугатган 10дан зиёд кадрлар ишга қабул қилинди. Жорий йилнинг ўзида 16та ана шундай уч томонлама шартнома имзоланди.

Қўшсаҳифани Маруза ҲОСИЛОВА тайёрлади.

Кутиш азоби...

Дунёда навбатлар кўп. Кимдир раҳбарнинг қабулхонасида тоқати тоқ, яна бирон талаба ҳаяжон ва хавотир билан имтиҳондан ўтишга шайланмоқда — қанийди баҳосини тезроқ қўйиб беришсаю қанот чиқариб учиб кетса... Энди масалага сал бошқачароқ ёндашсак, худо кўрсатмасин, бирор дардга йўлиқиб қолсак нима бўлади? Бундан ёмони борми?! Нима қиламиз? Шифокор ҳузурига чопамиз-да (агар бунга куч топа олсак). Бўсагани ҳатлаб шифохонага киришингиз билан яна бир оддий ҳақиқатни кашф этасиз — дунёда энг ёмони шифокор ҳузурда навбат кутиш. Танингиз дард билан курашса, сиз навбат талашасиз...

Инсоният тараққиётида шунчалик илдамлаб кетдики, буни вақт ўлчовимиздан ҳам билса бўлади: ибтидо-



"ЭЛЕКТРОН САЛОМАТЛИК"

ёхуд мўъжаз мамлакатнинг улкан тажрибаси

си — тош даври, қадимда — асрлар, бугун — соат, дақиқа, сониялар. Айнан замонавий технологиялар бизга ҳар бир дақиқаси олтиндан қиммат умримизни, асаб хужайраларимизни асраб-авайлашга хизмат қилиши ойдинлашиб борапти. Масалан, дунё мамлакатларида муваффақиятли қўлланилаётган "электрон саломатлик" (e-health) тизимлари ягона маълумотлар базаларини йўлга қўйиш имконини бериб, шифохоналардаги қоғозбозликларга, аста-секин бўлса-да, барҳам берапти.

E-health — у нима?

Ушбу ёғ Европа Иттифоқининг аксарият мамлакатларида ҳаётга олиб кирилган. Лўндасини айтганда, e-health — тиббиёт муассасалари кўрсатаётган хизматларнинг электрон шаклга ўтказилишидир. Айтилик, бунда маълумотнома олиш учун поликлиникага бориб, навбат пойлашга асло ҳожаат йўқ. Барчаси компютер клавиатураларида ёки планшет экранини юзасида кечади, бемор ва шифокор мулоқоти электрон кўринишда қурилади. "Кўҳна қитъа"нинг бошқа мамлакатлари билан тобора интеграциялашиб бораётган навқирон мамлакат — Хорватия ўз аҳолиси саломатлигини сақлашда мазкур дастурнинг истиқболли эканлигига ишонч билан қарамоқда.

"Электрон саломатлик" дастури

Худуди Ўзбекистонниқидан саккиз маротаба кичик, аҳолиси етти баравар оз ушбу мўъжаз мамлакат, худди биз каби, 1991 йили мустақилликка эришган. Болқон уруши ниҳоясига етган 1995 йилдан хорватлар ғарбдаги қўшнилари билан яқин ҳамкорликка киришиб кетишди. Аслида 2012 йилнинг 22 январиди миллий референдум мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши масаласига узил-кесил аниқлик киритган бўлса-да, аксарият Европа миқёсидаги дастурлар, жумладан, электрон саломатликни сақлаш дастурини татиқ этишга хийла олдинроқ, Швециянинг Ericsson ҳамда компаниянинг маҳаллий шўъбаси Ericsson Nikola Tesla компаниялари томонидан тамал тоши қўйилган.

Ҳуш, Хорватиянинг саломатликни сақлаш электрон тизими (e-health) ўзи нима? Аввало, бу тизим беморлар ҳақидаги ягона маълумотлар базасини шакллантириш, демакдир. Яъни, дейлик, бемор бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтганда унга касаллик анкетаси қайта расмийлаштирилмайди — унинг барча маълумотлари электрон кўринишда ягона компютер базасида сақланади. Врачнинг "ҳусниҳат"и мағзини чаққиш, чапг босган ар-

Хорватияда e-health тизими 2300та шифокор кабинети, 192та педиатр кабинети, 180та гинекология кабинети, 200та мактаб тиббий ёрдам кабинети, 2000та стоматолог кабинети, 1100та дорихона, 1000та биокимё лабораторияси, 1000та ихтисослаштирилган тиббиёт хонаси ҳамда 66та касалхонани ўзаро боғлаган.

хивларни титкилаш ўтмишда қоляпти. Хуллас, эндиликда бу жараён гўё операция хонасидек топ-тоза, ҳамма ишлар рақамли кўринишда. Мазкур тизим беморнинг мажбурий суғурга полиси бор-йўқлигини текшириш, унинг касаллик тарихи билан танишиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиладиган ҳисоботларни расмийлаштиришда қўл келяпти.

Ўзи ҳақидаги хос маълумотларнинг электрон шаклга айлантирилиши, бир қарашда омма эътиборига ҳавола этилиши, турган гапки, ҳаммага ҳам хуш келавермаслиги аниқ. Аммо хавотирга ҳожаат йўқ. Маълумотлар махфийлик мақомида, онлайн бўлгани билан улардан фақат шифокорлар, ижтимоий таъминотда ишловчилар, хуллас, руҳсат этилган шахслар-

гина фойдалана олишади. Қайтанга мижоз эшикма-эшик кириб, турли маълумотлар тўплашдек "бошоғриқ"дан халос бўлади. Врачлар ёки шифохоналарга йўлланмалар ҳам электрон кўринишда узатилади. Қарангки, ягона электрон тизим ҳатто касалхоналарга жойлашишдаги таниш-билишчиликка ҳам барҳам бераркан, бунинг устига, нотўғри ташхис қўйган врач "қора излари"ни асло ўчирилмайди.

Электрон ришталар

Айни пайтга келиб, Хорватиядаги даволаш муассасаларининг 80 фоизидан ортиги тиббиёт ахборот тизимлари билан таъминланганки, бу нафақат йирик шаҳарлардаги, шунингдек, чекка туманлардаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги жараёнларни кузатиш ва тартибга солишда самара берапти. Масалан, Хорватияда, тоғ-тошлар қўйнида Госпич деган шаҳарча бор. Ундаги шифохонага илгари шунчаки маслаҳат олиш ённки кўриқдан ўтиш учун ҳам одамлар қақиримлаб йўл босиб тушишар, дараю жарликларни айланиб ўтавериб ҳолдан тойишарди. Энди эса онлайн-кўриқ, онлайн-маслаҳат деганлари йўлга қўйилиб, врач ўз кабинетида, бемор ўз уйда ўтириб мулоқотга киришяпти, "етти тоғ ошишлар" ширин хотирага айланмоқда.

Врач беморга ёзиб берган рецептлар бевосита фармацевтга келиб тушади, қолаверса, мамлакатда доридармонларни истеъмолчиларга тақдим этиш жараёнини назорат қилиш имкони ҳам пайдо бўлди. Таъкидлаш ўринлики, e-health тизимига стоматологлар, гинекологлар, биокимё лабораториялари ҳамда бошқа ихтисослаштирилган шўъбалар (масалан, рентген ёки электрон томография хоналари)нинг алоҳида уланиши ҳам келгусида беморга аниқ ташхис қўйишда айни муддадир.

"Электрон саломатлик" дастури босқичма-босқич молиялаштирилиб, амалга ошириляпти. Чунончи, 2011 йили лойиҳага 7,56 миллион евро сармоя киритилди.

Соғлиққа, чўнтакка фойда

Қоғоздаги қайдномалар электрон шаклга ўтгач, соғлиқни сақлаш тизимидаги сарф-харажатлар уч карра озайибгина қолмасдан, минтақа экологиясида ҳам ижобий ҳолатлар кузатила бошланди. Мижозлар энди бўлар-бўлмаста шахсий ёки жамоатчилик транспортдан фойдаланишмас, ҳуда-беҳудага врач қабулига бориб овора бўлишмасди, ахир буларнинг бари масофадан туриб ечимини топмоқда-да. Қоғоз сарфи, уни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашга кетадиган қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинди.

Собит АҲАДОВ



"Электрон саломатлик" ягона тизимига, шифохоналардан ташқари, дорихоналар ҳам уланган.



Битирувчиларга дипломлар

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда филиал профессор-ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этдилар. Филиални тўртта йўналиш бўйича 173 нафар талаба тамомлади.

— Телекоммуникация йўналишида тахсил олдим, — дейди битирувчи Лазиз Ҳамидуллаев. — Ҳуқуқийлари давомида соҳа бўйича ўз билим ва кўникмаларимни оширдим. Битирув амалиётини "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Бешкент ТБда ўтадим. Энди олган билимларимни амалиётга татбиқ этишга киришаман.

Ўз мухбиримиз

ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА Таълим олиш қандай бўлади?

Чет эл матбуоти ва интернет тармоғи саҳифаларида бундай башоратларни кўп учратамиз. Ҳўш, бизни келажакда таълим олиш тизимида нималар кўтмоқда?

Маълумки, одамзот бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, маълумотларни кейинги авлодга узата олиш хусусиятига эга. Бу вазифа, асосан, таълим тизими зиммасига юкланган. Лекин ҳозирда, маълумотлар базисининг кескин ошиб кетиши оқибатида, вазифани уддалаш борган сари қийинлашиб борапти. Айнан шунинг учун ҳам XXI асрда таълим тизимида катта ўзгаришлар содир бўлиши кутуляпти.

Ана шундай ўзгаришлардан бири интерактив технологияларга асосланган супер электрон дарсликлар авлодини яратиш бўлиши мумкин. Ота-оналар фарзандларининг энг яхши ўқитувчи қўлида таълим олишини хоҳлайди. Шубҳасиз, энг яхши услубий ечимлар ва янгиликлар билан қуролланган ўқитувчи энг қийин мавзуларни ҳам осон, тушунарли ва қулай усулда етказиб бера олади.

Энди фараз қилинг, танлов асосида ҳар бир фандан республиканинг энг илгор олимлари, моҳир ўқитувчилари,

услубчилари, сценарий муаллифлари ва дизайнерлари танланди. Уларга ўз фанлари бўйича тўлиқ дарс ишланмалари — энг мукамал электрон дарслик яратиш вазифаси топширилди. Ҳар бир дарс ишланмаси олимлар томонидан илмий, услубчилар томонидан услубий асосланди. Ижодкор сценарий муаллифлари томонидан дарс моҳиятини очиб берувчи қизиқарли сюжетлар танланди ҳамда компютер графикаси ва дизайни бўйича энг моҳир расмлар томонидан унга жило берилди. Бу дарс ишланмалари тўплами шунчаки ҳозирги дарсликларни тақрорламасдан, энг юқори илмий, педагогик, услубий ечимларни ўз ичига олган ҳамда кўргазмалилик жиҳатидан энг яхши ранг-баранг ва керакли видео, аудио, 3D шаклдаги анимацион расм, схема ва шакллар ҳамда турли интерактив хизматлар мужассамлаштирилган мультимедиа иловаларидан ташкил топди. Яратилган дарслик масофадан ўрганиш манбаи сифатида бепул интернет саҳифаларидан бирига

юклатилди. Ундан сиз мобил телефонингиз орқали исталган пайтда текин фойдаланишингиз мумкин бўлади.

Бундай афзалликларга эга супер электрон дарсликни ўқиш қулай ва содда, жуда қизиқарли бўлади. Унда турли интерактив хизматлар мавжуд бўлиб, у билан гаплашишингиз ва мусобақалашингиз мумкин. Масалан, киритилган мавзу бўйича саволлар рўйхатидан ўзингизни қизиқтирган саволни танлаб, шу заҳоти жавобини оласиз. Агар сизни қизиқтирган савол бу рўйхатда бўлмаса, уни ўқитувчига ёзиб юборасиз. Маълум вақтдан кейин энг моҳир ўқитувчидан тўлақонли жавобни оласиз. Хуллас, зерикарли дарс жараёни интеллектуал ўйин жараёни билан алмаштирилди. Бундай дарсдан сўнг таълим олишининг моҳияти тубдан ўзгариб кетиши табиий. Шундай воситалар билан қуролланган одам тегишли инструктажи (воситалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни) олгандан сўнг, исталган фан бўйича исталган маълумотга эга бўлади, яъни ҳар нарсани биладиган мутахассисга айланади.

Рустам РАМАЗОНОВ,
ТАТУ бакалавр-битирувчиси

Орзуманд ёшлар



Ёшларда орзулар мўл бўлади. Файрат, шижоат ҳам шунга яраша денг... Худди шундай ёшларимиздан бири — Шаҳноза Ўринбоева 2012 йили Уй-жой коммунал хўжалик касб-хўнара коллежини битиргач, иккиланмасдан Жиззах вилоят "Матбуот тарқатувчи" МЧЖга хўжатларини топширди. Бу жамоада иш бошлашига ҳам сабаб бор, чунки отаси Баҳром Ўринбоев ҳам шу корхонада меҳнат қилиб келмоқда. У ота касбини давом эттиришни шараф деб билди. Шаҳнозага устозлари Холида Тиловова, Гулсҳра Азизова, Анора Жўрақулова каби ўз касбининг фидойилари устозлик қилишати.

Айни дамда Шаҳноза Ўринбоева вилоят "Матбуот тарқатувчи" МЧЖда обуна бўлими сараловчиси бўлиб ишлаяпти. Халқимизда "Интиланга толе ёр", деган гап бор. Шаҳноза олий маълумот олмақчи ва ўз ишини севгани боис, шу ерда ишини давом эттирмоқчи. Унга зафарлар йўлдош бўлишини, орзулари чинга айланишини тилаймиз.

Норкул МАЪМУР,
"Хабар"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири

Талабанинг мўъжаз гидроэлектр қурилмаси

Андижон қишлоқ хўжалиги институти талабаси Виталий Калашников иккита телевизор ёки бешта 100 ваттли лампага қувват етказиб бера оладиган мўъжаз гидроэлектр қурилма ихтиро қилди. Чархпа-лак шаклидаги бу мослама бир неча гилдирак, генератор ва 16та пақирчадан иборат. У оқин сувнинг тезлиги сонияга 1-1,5 метрга тенг ариқларга ўрнатилганда ҳам мунгазам равишда электр токи ишлаб чиқара олади. Генератор қуввати 540 ватт бўлса-да, уни тўрт баробар ошириш имконияти мавжуд.

— Ушбу ускунани йиғиш учун 600 минг сўм кифоя, — дейди талабанинг илмий раҳбари, техника фанлари номзоди Зокиржон Турғунов.

Нефтехимическая компания "СИНЬ-ЩИЯ" КУЙТУН

Нефтехимическая компания с ограниченной ответственностью "СИНЬ-ЩИЯ" г. КУЙТУН СУАР КНР основана и зарегистрирована в 2003 году в Куйтун-Душаньском нефтехимическом парке. Производственная деятельность включает экспортно-импортную торговлю, производство и продажу моторных масел, строительную инженерию, международную торговлю и консалтинг по экономике и различные сделки.

Компания приобрела право экспортно-импортной торговли в центрально-азиатских странах. С августа 2010 года в Европейско-Азиатском международном торговом центре создана электронная торговая система, имеющая способность провести электронные торги на международных рынках.

Торговая площадка УзРТСБ в Китае при компании занимается экспортно-импортной торговлей, поставляет технические и строительные механизмы и машины, грузовики, автомобили, электромеханические продукты, текстильные и бытовые товары, водоотопительные материалы и запчасти для сельскохозяйственных машин, и принимает нефтехимические продукты, хлопок и пряжу, сахар, удобрение, серу и растительные лекарства.

В г. Ташкенте и Алматы работает ее коммерческое представительство. Компания имеет торговые и культурные связи такими странами как Узбекистан, Казахстан и Россия.

Компания имеет большие способности по реализации машинных масел марки "СИНЬ-ЩИЯ", "Дукун", "Яобил" и является лидером в системе Синьцзянского Бинтуана по продаже масла марки "Кунлун".

Компания "СИНЬ-ЩИЯ" придерживается принципа взаимопонимания, доброты, честности, уверенности, опираясь на преимущество "качество, цены и обслуживание" и завоевала доверие клиентов и создала долгосрочное сотрудничество.

Ваше благополучие и процветание — цель нашего стремления, мы готовы работать с Вами, чтобы создать лучшее будущее!


Услуги лицензированы

Адрес: 833200 г.КУЙТУН СУАР КНР. Куйтун-Душаньский нефтехимический парк.

Веб-сайт: www.xjtxxy.com
E-mail: xjinxiya@163.com
WeChat: xjtxxysyhg.com

Тел.: (+86) 992-3901551
Факс: (+86) 992-3901553
Тел.: Отдел сбыта: (+86) 992-390152

Тел.: Коммерческое представительство
в Ташкенте: (+998) 90 9407519.



Ахборот-кутубхона муассасаларининг фойдаланувчиларига замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш самарасини ошириш, кутубхона муассасалари таркибдаги хизмат турлари сифатини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Автоматлаштирилган кутубхона

Мана шундай кутубхоналарда замонавий хизматлар кўрсатиш мумкин

Хар қандай кутубхона ташкилот сифатида ўз бўлимларига эга. Ундаги ҳар бир бўлим бажарадиган ишлар аввалдан белгилаб қўйилади. Бу ишларда кутубхонанинг бош мақсади — китобхонларга керакли адабиётларни бериш ва ахборот хизмати кўрсатишга йўналтирилган. Кутубхона фаолиятининг самарадорлиги унинг таркибдаги бўлимларда ишнинг тўғри тақсимланишига боғлиқ.

Кутубхонанинг асосий муваффақияти бажарилган хизматнинг сифати билан баҳоланади. Кутубхоначилар бунинг учун китобхонларга юксак хизмат қилиш мақсадида бор воситалардан фойдаланишлари зарур.

Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг ривожини ахборот технологияларининг умумий ривожини ўзида тўлиқ акс эттиради. Компютер бажарадиган иши ва таркибига кўра одатдаги кутубхонага жуда ўхшаш. Компютер технологиясида ишлатиладиган базини бир атамалар, масалан, "бошланғич модуллар кутубхонаси", "каталог", "юкланадиган модуллар кутубхонаси" ва бошқалар шулар жумласидандир. Шахсий ком-

пютер орқали истеъмолчига хизмат кўрсатиш жараёни китобхонларга кутубхонада кўрсатилаётган хизмат жараёнига ўхшаб кетади. Каталогдан маълумотлар қидириш, маълумотларни сақлаш жараёни, каталоглаштириш параметрларини таснифлаш ва бошқа жараёнлар бир-бирига ўхшаш. Буларнинг ҳаммаси кутубхонадаги асосий жараёнлар: маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатишни тўлиқ автоматлаштириш демакдир.

Кутубхоналарни автоматлаштириш усуллари жорий қилинмасдан аввал кутубхоналар фақат ўзларининг китобхонларига хизмат қилган. Аниқ бир кутубхонага аъзо бўлган китобхон фақат шу кутубхона ахборот ресурсларидан фойдалана олган, мазкур кутубхонада бўлмаган ахборот ресурсларидан фақат "кутубхоналараро абонемент" орқалигина фойдаланиш мумкин бўлган. Аммо, ҳар қандай наشريни ҳам "кутубхоналараро абонемент" орқали жўнатиш осон иш эмас. Нашрни бундай ҳолда жўнатиш вақт ҳамда маблағ талаб қиладиган вазифа. Китобхонларга хизмат

кўрсатишда яна бир чеклаш бор эди, у ҳам бўлса кутубхоналар китобхонларга нашрларни фақат одатдаги ташувчиларда (масалан, китоб шаклида) беришлари мумкин бўлган. Кутубхоналарда компютерлардан ва интернетдан фойдаланиш янги

ва ягона каталоглар тармоғини яратиш бўйича дастлабки натижалар олинди. 70-йилларда компютерларни алоқа каналлари орқали ягона тармоққа боғлаш имкони яратилди. Бу бир компютердаги библиографик маълумотлар базасидан иккинчи компютер орқали фойдаланишга шaroит яратди.

80-йилларда шахсий компютерларнинг пайдо бўлиши билан кутубхона тизимларини яратиш ва уларни кенг татбиқ қилиш реал воқеликка айланди. 1967 йилда АҚШдаги Огайо штати коллежлари ва университетлари раҳбарларининг ташаббуси билан Огайо коллежлари кутубхона маркази — Ohio College Library Center (OCLC) ташкил қилинди.

имкониятларни очиб берди. Бу эса турли физик ташувчилар (магнитли тасмалар, дисклар, CD-ROMлар ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Бунда масофадан туриб ахборот олиш ва ахборот узатишининг роли беқийс. Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ўзлаштириб борган кутубхоналар ўз кучларини электрон ҳужжатлар ва интернет ресурсларидан фойдаланишга йўналтирдилар. Бундай мақсадга эришиш учун бир қатор ҳуқуқий ва технологик масалаларни ечиш ва кутубхона иши концепциясини қайта кўриб чиқиш зарур эди. Натижада "Электрон кутубхона" атамаси пайдо бўлди. Электрон кутубхоналар яратиш ишига дастлаб алоҳида ташкилотлар киришган бўлса, сўнгра бу миллий ва халқаро даражадаги ишга айланди.

Кутубхоналарни автоматлаштиришга дастлаб 60-йилларнинг ўрталаридан киришилди. Компютерларни кутубхоналар ишига татбиқ қилиш библиографик маълумотлар базаси ва кутубхона каталогларини яратишдан бошланди. Бу ишлар алоҳида катта ЭХМлар асосида бажарилди. Машина ўқий оладиган (MARC) каталогларни

Бундан кўзланган мақсад академик университетлар компютер тизимларини ривожлантириб, библиографик ресурсларни ўзаро алмаштира олиш эди. OCLCнинг биринчи идораси Огайо Давлат университетининг Бош кутубхонасида ва биринчи компютерлаштирилган зал мазкур университет тадқиқотлар марказида ташкил қилинди. OCLC ва унинг бошқа университетлар билан ҳамкорлиги тезда ривожланди. 1981 йилда корпорациянинг расмий номи OCLC — тўғри мурожаат қилувчи кутубхона маркази (Online Computer Librari Center. inc) деб ўзгартирилди.

Бугунги кунда OCLC 63та мамлакатдаги 23000 кутубхонага хизмат қилади.

(Давоми бор.)

Зулайхо НОРҚУЛОВА,
ТАТУ ахборотлаштириш ва
кутубхонашунослик
факултети 4-босқич талабаси

Хоразм вилояти АКМда ахборот-библиография бўлимининг ўлкашунослик ахборот сектори ташкил этилган. Сектор турли ёшдаги фойдаланувчилар ўртасида ўлкашуносликка оид адабиётларни тарғиб этиш, вилоятимиз тарихига, санъатига, табиғатига, иқтисодиётига ва турли соҳаларига оид бўлган янгидан-янги ҳужжатларни йиғиш ва тўлашда муайян ишларни амалга ошироқда.

Ўлкашунослик ахборот сектори мудири Нина Цой яқинда 55 йиллик юбилейини нишонлади. У 35 йил давомида кутубхона соҳасини ривожлантириш йўлида катта ишларни амалга оширди. Н.Цой жамоада алоҳида ҳурмат-эътибор қозонган. Вилоятдаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш даражасини юқори поғонага олиб чиқишда хизматлари беқийс.

Нина Цой "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланган.

У 1979 йили, Тошкент маданият техникумини тамомлаганидан кейин, Хоразм вилоят кутубхонасига ишга кирди. Даставвал кутубхоначи, библиограф ва услубчи бўлиб ишлади. Анча йиллардан бери ўлкашунослик секторини бошқариб келмоқда. Бугунги кунда



бу сектор ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Н.Цойнинг саъй-ҳаракатлари, куч-ғайрати билан вилоят АКМ ўзининг кичик музейига эга бўлди. Унда маҳаллий расом ва ҳунармандларнинг расмлари, кулолчилик маҳсулотлари, эркак ва аёллар кийимлари, миллий мусиқа асбоблари, қизиқарли фотоҳужжатлар жой олган.

Сермаҳсул 35 йил

Музейда йиғилган экспонатлар Хоразм ўлкасининг бой тарихи, маданияти ва санъати ҳақида катта ахборотни беради.

Ўлкашунослик сектори ва унинг раҳбари ташаббуси билан марказда мултимедиа воситаларини жорий этишга киришилди. Тайёр мултимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш билан бирга бу ерда ролик ва дисклар яратилапти.

— Ҳозирги кунда 5та овозли видеоролик мавжуд, — дейди Нина Цой. — Улар ҳақида тўлиқ тўхталиб ўтмоқчи эмасман, чунки номи айтиб турибди: "Хоразм", "Авесто", "Шоҳнома". "Хоразм — куёш ери" номли видеороликда ўлкамизнинг тарихи қайта жилоланади, мустақиллик йилларида рўй берган кенг кўламли ўзгаришлар, буюк олимлар, ёзувчилар ва шоирлар ҳақида сўз юритилади. Бундай видеотека ҳақида кўпдан бўён орзу қиладиган эдим, мана, орзуларим ҳам ушалди.

Нина Цой ҳозир Соғлом бола йилига бағишланган янги видеоролик устида кизгин иш олиб борапти. Тиниб-тинчимас кутубхоначига ўз мақсадига эришишида улкан зафарлар тилаймиз.

Нилуфар ЖАББОРОВА
Хоразм вилояти

ДУШАНБА

ДУШАНБА — 21 ИЮЛ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Орбита", Х/ф. 7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".

21.40 "Мунозара". 22.00 "Кўнгил кўшиқ истаиди". 22.15 "Мари Кюри". Т/с. 23.00 - 23.30 "Орбита". Х/ф.

12.50 "Телетухфа". 13.00 "Давр". 13.10 "Олмазор". Б/ф. 14.40 "Турунчиң сири". Х/ф.

7.45 "Интеллектуал аукцион". 8.00 "Салом, Тошкент!". 9.00 Мультисериал: "Чип ва Дейл".

20.25 "Пойтахт йўлларида". 20.45 "Мисли гаҳвар". 21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".

ЭШИШ. Европа чемпионати. 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya".

ДУШАНБА

СЕШАНБА — 22 ИЮЛ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Конот тилсим". Х/ф.

19.30 "Ахборот" /рус/. 20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". 21.00 "Ахборот".

11.10 "Мўъжизавий дунё". 12.00 "Пуаро". Т/с. 12.50 "Телетухфа". 13.00 "Давр".

7.20 "Навоий махзани". 7.30 "Тошкент тароналари". 7.45 "Интеллектуал аукцион".

20.25 "Обод қонадон". 20.45 "Репортаж". 21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".

13.45 "Техно-спорт". 13.55 АНОНС. 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya".

ДУШАНБА

ЧОРШАНБА — 23 ИЮЛ

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Конот тилсим". Х/ф.

21.00 "Ахборот". 21.40 "Юрган дарё". 22.00 "Кўнгил кўшиқ истаиди".

12.50 "Телетухфа". 13.00 "Давр". 13.10 "Икки дил достони". Б/ф.

7.30 "Тошкент тароналари". 7.45 "Интеллектуал аукцион". 8.00 "Салом, Тошкент!".

21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари". 19-қисм. 21.30 "Теле-маркет".

13.20 Автоматоспорт. 13.30 АНОНС. 13.40 "Теле-маркет".

СҮР АҲБОТ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Койнок тиллими' Х/ф.
7.30 Миллий сериал: 'Ўзи уйланмаган соғин'

21.00 'Ахборот'.
21.40 'Оғуфурш қариндошлар'.
22.00 'Кўнгил қўшиқ истаиди'.
22.15 'Мари Кюри'. Т/с.
23.30 - 23.50 'Койнок тиллими' Х/ф.




6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Мумтоз наво'.
6.30 'Навоийга тазлим'.
7.10 'Мультипанорама'.
8.00 'Изабелла'. Т/с.

ПАЙШАНБА — 24 ИЮЛ

13.10 'Ганг дарёсининг қизи'. Б/ф.
14.20 'Ҳаёт сўқмоқлари'.
14.50 'Сўз ёшларга'.
15.30 'Автопатруль'.
15.50 'Ифтихорим'.
16.00 'Давр'.
16.10 'Терра-Нова'. Т/с.

7.45 'Интеллектуал аукцион'.
8.00 'Салом, Тошкент!'.
9.00 Мультисериал: 'Чип ва Дейл'.
55-қисм.
9.25 'Roytakht news'.
9.45 Миллий сериал: 'Она дарё'.



5.00 'Салом, Тошкент!'.
6.10 'Аёл қалби'. Т/с. 11-қисм.
7.00 'Пойтахт'.
7.20 'Навоий маҳзани'.
7.30 'Тошкент тароналари'.

20.00 'Пойтахт'.
20.20 'Очиқ мулоқот'.
21.00 Миллий сериал: 'Ҳаёт пиллапоилари'. 20-қисм.
21.30 'Теле-маркет'.
21.45 'Аёл қалби'. Т/с. 12-қисм.



6.00 'Хайрли тонг!'.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 'Матонат'.
6.25 'Sport Test'.
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 'Менинг талловим'.

14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 'Sport ensiklopediya'.
14.20 'Арена'.
14.45 АНОНС.
14.50 Енгил атлетика. Гран при турнири.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 'Менинг талловим'.
18.20 'Техно-спорт'.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 'Шижоат'.
19.20 АНОНС.

СҮР АҲБОТ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Орбита'. Х/ф.
7.30 'Фидойилар'. Т/с.
8.00 'Ахборот'.
8.40 'Ҳашаротлар'. Х/ф.

21.00 'Ахборот'.
21.40 'Қишлоқ ҳаёти'.
22.00 'Кўнгил қўшиқ истаиди'.
22.15 'Крэнфорд'. Т/с.
23.00 - 23.30 'Орбита'. Х/ф.




6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Мумтоз наво'.
6.30 'Унутилмас оҳанглар'.
7.00 'Мультипанорама'.
8.00 'Изабелла'. Т/с.

ЖУМА — 25 ИЮЛ


11.50 'Юрт келажаги'.
12.00 'Пуаро'. Т/с.
12.50 'Телетуҳфа'.
13.00 'Давр'.
13.10 'Насридиннинг саргузашти'. Б/ф.

7.20 'Ҳазил гулшани'.
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 'Интеллектуал аукцион'.
8.00 'Салом, Тошкент!'.
9.00 Мультисериал: 'Чип ва Дейл'.



5.00 'Салом, Тошкент!'.
6.10 'Аёл қалби'. Т/с. 7-қисм.
7.00 'Пойтахт'.

20.25 'Шаҳрим'.
20.45 'Мисли гавҳар'.
21.00 Миллий сериал: 'Ҳаёт пиллапоилари'. 15-қисм.
21.30 'Теле-маркет'.
21.45 'Аёл қалби'. Т/с. 8-қисм.



6.00 'Хайрли тонг!'.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 'Ифтихоримсан, спорт!'.
6.25 'Sport Test'.
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 'Менинг талловим'.

15.20 АНОНС.
15.25 Автоматспорт.
16.15 АНОНС.
16.25 Теннис. АТР\WTA турнири.

00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 'Рудд Гуллит'. Хужжатли фильм.
1.40 Дзюдо. Гран-при турнири.

СҮР АҲБОТ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
7.00 'Табассум'.
7.20 'Кизалоқ ва тулқича'. Б/ф. 1-қисм.

23.05 'Тинчликпарвар'. Б/ф.
00.50 - 00.55 'Кўрсатувлар дастури'.
00.55 Кўрсатувлар тартиби.
1.00 'Ахборот' /рус/.




6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Унутилмас оҳанглар'.
6.40 'Навоийга тазлим'.
7.10 'Мультипанорама'.
8.00 'Изабелла'. Т/с.

ШАНБА — 26 ИЮЛ


16.00 'Давр'.
16.10 'Терра-Нова'. Т/с.
17.00 'Истиқлол қайтарган номлар'.
1.55 'Табассум'.
2.15 'Қуларнинг бирида'.
2.30 'Рамазон шукуҳи'.

8.00 'Салом, Тошкент!'.
9.00 Мультисериал: 'Чип ва Дейл'.
57-қисм.
9.30 'Интервью'.
9.45 Миллий сериал: 'Она дарё'.



5.00 'Салом, Тошкент!'.
6.10 'Аёл қалби'. Т/с. 13-қисм.
7.00 'Пойтахт'.
7.20 'Навоий маҳзани'.
7.30 'Тошкент тароналари'.
7.45 'Интеллектуал аукцион'.

20.00 'Пойтахт'.
20.25 'Менинг шаҳрим'.
20.45 'Репортаж'.
21.00 Миллий сериал: 'Ҳаёт пиллапоилари'. 22-қисм.
21.30 'Теле-маркет'.
21.45 'Акс-садо'. Ток-шоу.




6.00 'Хайрли тонг!'.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Тонгги гимнастика.
6.20 'Ифтихоримсан, спорт!'.
6.35 Футзал. Ўзбекистон кубоги. Финал.

13.50 'Техно-спорт'.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 'Sport ensiklopediya'.
14.15 'Маҳорат сирлари'. Хужжатли фильм.

00.00 АНОНС.
00.05 Сув полеси. Европа чемпионати.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.

ЯКШАНБА — 27 ИЮЛ




- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Табасум".
- 7.20 "Қизалоқ ва тулқича".
- Б/ф. 2-қисм.
- 8.00 "Ахборот".
- 8.40 "Барҳаёт денгиз". Х/ф.
- 9.20 "Иқлим".
- 9. 25 "Дилхуш тароналар". Концерт.
- 10. 35 "Иқлим".
- 10.40 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
- 11.45 "Кулларнинг бирида".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 13.00 "Қўғирроқ гул". М/ф.
- 13. 15 "Аёл бахти".
- 13.30 Ҳинд киноси: "Маҳбубам". Премьера.
- 16.20 "Қурганларимиз ҳақида".
- 16.45 "Қизил гул". М/ф.
- 17.15 "Хушчақчақ".
- 17.35 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 18.55 "Рамазон шукуҳи".
- 19.00 "Рамазон тухфаси".
- 19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
- 19.30 "Тахлилнома" /рус/.
- 20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
- 21.00 "Тахлилнома".
- 21.40 "Заковат". Интеллектуал танлов.
- 22.30 "Шўрданак".
- 23.55 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 00.10- 00.25 "Кулларнинг бирида".
- 00.35 Кўрсатувлар дастури.
- 00.40 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 00.55 "Иқлим".
- 1.00 "Тахлилнома" /рус/.
- 1.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
- 2.15 "Шарқ тароналари".
- 2.30 "Рамазон шукуҳи".
- 2.35 "Рамазон тухфаси".
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Тахлилнома".
- 4.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
- 5.40 - 5.55 "Кулларнинг бирида".

- 7.45 "Эртақлар олами".
- 8.00 "Салом, Тошкент!"
- 9.00 "Дилбандим" тележурнали.
- 9.30 "Ro'yakht news".
- 9.50 "Ўйларим".
- 9.55 Ҳинд киноси: "Ўғирланмаган келин".
- 13.00 "Салом, Тошкент!"
- 14.00 "Бунёдкор".
- 14.25 Миллий кино: "Тўққиз ой". Б/ф.
- 15.55 "Истеъод".
- 16.10 "Антиқа мантик".
- 16.50 "Кадр ортида".
- 17.05 "Миттивойлар оиласи".
- 17.25 Болалар учун фильм: "Жажжи ўйинчилар".
- 18.55 "Ибрат".
- 19.25 "Тошкент тароналари".
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.55 "Мақтабада бир кун".
- 20.20 "Ўзбегим рақслари".
- 20.35". Бахт қўғирғони".
- 21.00 "Бутун ва эрта". Ток-шоу.
- 21.30 "Теле-маркет".
- 21.45 "Все о туризме".
- 22.15 "Я, остаюсь". Х/ф.
- 00.10 "Все тайны космоса". Д/ф. 3-қисм.
- 1.10 "Дьявол носит прада". Х/ф.
- 2.45 "Ўйларим".
- 2.50 "Бизнес-пойтахт".
- 2.55-5.00 "Бахт ифори". Б/ф.



- 6.00 "Хайри тонг!"
- 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.10 "Магонат".
- 6.25 Волейбол. Жаҳон лигаси.
- 7.55 АНОНС.
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 "Sport Test".
- 8.15 "Техно-спорт".
- 8.25 АНОНС.
- 8.35 Қиличбозлик. Жаҳон чемпионати.
- 9.55 АНОНС.
- 10.00 "Маҳорат мактаби".
- 10.20 "Литка слушае".
- 11.05 АНОНС.
- 11.10 Велоспорт. Тур де Франс.
- 12.15 "Sport rekordlari".
- 12.20 "Кувноқ стартлар".
- 12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
- 13.00 "Қорақалпоқ спорти".
- 13.15 АНОНС.
- 13.20 "Болалар спорти".
- 13.45 Сув полоси. Европа чемпионати.
- 14.35 АНОНС.
- 14.40 "Куч бирликда".
- 15.10 Автомобил спорт.
- 15.55 АНОНС.
- 16.00 "Эстафета".
- 16.20 "Sport ensiklopediya".
- 16.25 Теннис. АТР/ВТА турнири.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Орзулар кемаи".
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 19.00 АНОНС.
- 19.05 Дзюдо. Катта дубулга турнири.
- 20.25 АНОНС.
- 20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".
- 20.35 АНОНС.
- 20.40 "Спортимиз маликалари".
- 21.20 "Sport rekordlari".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 22.00 АНОНС.
- 22.05 Волейбол. Жаҳон лигаси.
- 23.35 "Бетақорр голлар". Хужжатли фильм.
- 00.00 АНОНС.
- 00.05 Сув полоси. Европа чемпионати.
- 00.55 АНОНС.
- 1.00 "Маҳорат сирлари". Хужжатли фильм.
- 1.30 Дзюдо. Катта дубулга турнири.
- 2.40 АНОНС.
- 2.45 Велоспорт. Тур де Франс.
- 4.15 АНОНС.
- 4.20 -5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Изабелла". Т/с. 21-26-қисмлар.
- 9.45 "Omad lotto".
- 10.00 "Ватанпарвар".
- 10.40 "Кичкина табиб". Б/ф.
- 12.20 "Нуқтаи назар".
- 13.10 "Суянчи". Б/ф.
- 14.30 "Ҳаёт сўқмоқлари".
- 14.50 "Истиқдол солномаси".
- 15.00 "Ош бўлини".
- 15.30 "Сўз ёшларга".
- 16.10 "Терра-Нова". Т/с.
- 17.00 "Барча билиши шарт".
- 17.10 "Соғлом болажон".
- 17.30 "Мультипанорама".
- 18.50 "Юрт келажиги".
- 19.00 "Давр ҳафта ичида".
- 19.30 "Олтин микрофон".
- 20.20 "Имкон-шоу".
- 21.10 "Амар, Акбар, Антони". Б/ф.
- 00.00 "Истиқдол қайтарган номлар".
- 00.10 "Жаҳон мусиқаси".
- 1.10 "Ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўрни".
- 1.30 "Нуқтаи назар".
- 2.10 "Сеҳрли қўллар".
- 2.30 "Чорвоқда ёз".
- 2.40 "Сўз ёшларга".
- 3.10 "Имкон-шоу".
- 3.50 "Ҳаёт сўқмоқлари".
- 4.10 "Маҳаллада дув-дув гап". Б/ф.
- 5.30-6.00 "Давр".



- 5.00 "Салом, Тошкент!"
- 6.10 "Болажон қиз". Б/ф.
- 7.30 "Тошкент тароналари".

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.



Германия — тўрт карра Жаҳон чемпиони!

Жаҳон чемпионати финалда Аргентина терма жамоаси дарвозасига қўшимча бўлимларда йўл топа олган Германия тўртинчи бор жаҳонда тенгсиз деб топилди.

Учрашув олдида германияликлар яққол фаворит саналаётган эди. Бироқ Аргентина уларга муносиб қаршилиқ кўрсата олди. Учрашув қизиқарли вазиятларга бой ўтди. Аммо бир неча қулай имконият кўкка созурилди. Асосий вақт ўз якунига етгач, қўшимча таймлар белгиланди. Ўйин тугашига санокди дақиқалар қолган бир пайтда Гётце "олтин гол" уриб, жамоаси билан биргалликда тўрт

йилликнинг энг нуфузли совринини қўлга киритди. Шундай қилиб, Германия Жанубий Америкада бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида голиб бўлган биринчи Европа жамоасига айланди. **GERMANY — ARGENTINA 1:0**
ГОЛ: Гётце 112.

Вилоят босқичлари якунланди

Стол тенниси бўйича Қашқадарё вилоятидаги соҳа ташкилотлари голиб чиққан ходимлари ўртасида ҳудудий саралаш мусобақаси ўтказилди.



Қарши олимпия захиралари спорт коллежида ўтказилган мусобақада 35 ёшгача ва 35 ёшдан катта эркаклар ва аёллар фаол иштирок этди. Кескин ва мурасасиз кечган баҳсларда ТАТУ Қарши филиалининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Баҳодир Бобоқуллов мусобақа голиби бўлди. Иккинчи ўрин Қашқадарё РТУМ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ғофир Раҳмоновга насиб этди. Учинчи ўринни Қашқадарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" ШК директори Тиркшав Очилов эгаллади. Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам кескин ва мурасасиз кечди. "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Шаҳрисабз ТБ "Ягона ойна" маркази тижорат агенти Сарвиноз Бурҳонова вилоят алоқачи хотин-қизлари шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

И.АФТОНДИЛОВ

Самарқанд ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида республика соҳа корхона ва ташкилотлари ўртасидаги стол тенниси бўйича мусобақаларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада "Ўзбектелеком" МАК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "ЎЗИ" қўшма корхонасининг Самарқанд филиаллари, Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 4-боғламаси, ТАТУ Самарқанд филиали, Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси, вилоят радиотелевизион узатиш маркази корхоналаридан 40га яқин алоқачилар иштирок этди. "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиалидан Вазира Ниёзова, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалидан Марат Кашаев, "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 4-боғламасидан Азамат Шарафилдинов, "ЎЗИ" ҚК Самарқанд филиалидан Мавлуда Ориповалар голибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олишди. Хаваскор спортчиларга турли номинацияларда диплом, фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари топширилди.

А.ҲОТАМОВ

Дилшод — кумуш медал соҳиби

Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Дилшод Чориев Россиянинг Тюмен шаҳрида ўтказилган "Катта дубулга" туркумига кирувчи халқаро турнирда кумуш медални қўлга киритди. Вазни 90 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида қатнашган тажрибали спортчимиз саралаш баҳсида россиялик Самир Гучашев, венгриялик Кристиан Тотни мағлубиятга учратди. Ярим финалда яна бир россиялик полвон Мурат Гасиевни катта устунлик билан енгни. Ҳал қилувчи беллашувда япониялик Юя Йошидага имкониятни бой берган дзюдочимиз иккинчи ўринни эгаллади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси филиал техник директори Исоқ Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

Убайда аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур тақдир тақозоси ва тарих ҳукми билан ҳинд юртига фотиҳ сифатида лашкар тортиб келди. Жаннатмакон Андижонда ўтган болалик йиллари, Самарқанд соғинчи бир умр эсидан чиқмаган. Ҳиндистоннинг иссиқ, диққинафас ҳавосидан қанчалар қийналса-да, ўзи лашкар тортиб келган бу юртни обод қилишга, боғ-роғларга айлантиришга ҳаракат қилди. Ҳинд халқига меҳр қўйди. Ўзаро адоватли қабилаларни бирлаштириб, марказлашган улкан давлатга асос солиди. Бобурнинг буюк хизмати шу бўлдики, Шайбонийхон истилоси сабаб, Туркистонда барҳам топган темурийлар сулоласининг фаолияти Ҳиндистонда янги кўринишда давом этди. Фотиҳ сифатида бу ўлканинг бойликларини ташиб кетмади. Балки, она юртдан қандай бойлик олиб борган бўлса, ҳаммасини Ҳиндистон ободчилиги учун сарфлади. Бобурийлар ҳозирги Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Бангладешнинг қўллаб қисмини эгаллаган. Улар тарихда "Буюк Муғуллар империяси" номи билан донг таратган бу салтанатни 330 йилдан ортиқ вақт давомида бошқарган...

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзини буюк соҳибқирон бобоси Амир Темурнинг вориси деб билди. Шу сабаб у аввало ҳарбий тузилмани ислоҳ этиш, боғлар яратиш, экологик ҳолатни яхшилаш, эстетик безаш, мезморчиликда Мовароуннаҳрга хос қурилиш тартибларини жорий қилишга ҳаракат қилди.

Бобур Ҳиндистонни эгаллар экан, биринчи навбатда, Хуросон ва Мовароуннаҳр билан алоқани тиклаш, маълумот ва хабарларни имкон қадар тезлик билан етказишни мақсад қилиб қўяди. Бобур ўғли Хумоюн билан бир-икки йил давомида кўришолмаган. Унинг чопарлари ҳатто икки йилда ҳам Аграга етиб келмаган. Қобул, Фазна, Андижон ва Ҳисордан маълумотлар жуда кеч келтирилган. Бобурнинг Ҳиндистон давлатчилигидаги асосий мақсадларидан бири кўл остидаги ўлкалар ва бошқа жойлар билан имкон қадар алоқани йўлга қўйиш эди. Шу сабаб унинг бевосита раҳбарлигида, ташаббуси билан, бутунги кун тили билан айтганда, Шарқда биринчи марта почта хизмати йўлга қўйилди. Бобур

Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,
Олам ичра аёғим етганча етгаймен...
Дема Бобурга, нетарсен, бош олиб кетмак не?
Тангрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен?

Бобурнинг почтага эътибори

бу ишнинг ташаббускори бўлиш билан бирга, мазкур алоқа хизматининг муҳандиси, ҳисобчиси, техник ходими, озиқ-овқат муаммоларининг ечимини топадиган мутахассис сифатида режа тузган. Бобур бусоҳада хизмат қилувчиларнинг маошидан тортиб, уларнинг хавфсизлиги, манзилга зудлик билан етиб бориши, ҳар бир тўхташ жойидаги муаммоларни ҳал этишнинг чораларини кўришга эътибор берган.

Бобур даврида бир манзилдан иккинчи манзилга маълум хабарни етказиш, айниқса, муҳим бўлган маълумотдан имкон қадар тезроқ иккинчи томонни огоҳ этиш катта аҳамиятга эга бўлган. Бобурнинг Ҳиндистонда салтанат эргизаётгани, Мовароуннаҳр ва Хуросондан маълумотларнинг келиши давлат аҳамиятига моликлиги боис, унинг беҳатарлиги ва тезлиги жуда муҳим эди.

Бобур почта хизматини салтанат даражасида йўлга қўйишни мақсад қилган. Шунинг учун почта хизматида хос атамалар форс, туркий, ҳинд ва бошқа сўзлашувчилар учун тушунарли бўлишига ҳаракат қилади. Буни назмда шундай ифодалайди:

Тўрт мингдир қадам билар бир мил,
Бир қуруқ оқи Ҳинд эли дер бил.
Дедилар бир эрим қари бир қадам,
Ҳар қари билки, бордир олти тутам.
Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик,
Олти жава эри бўлди, бил, бу билки.

Афтондил ИСМОИЛОВ
тайёрлади



XALQ TAVOVATI

Табиатнинг ўзи табиб

Тўрли хасталикларни даволашда халқимиз табиат неъматларидан шунчалик фойдаланган. Шунинг учун юқоридаги ибора юзага келган. Қуйида биз айрим касалликларни халқ табовати асосида даволаш юзасидан тавсиялар бермоқчимиз.

КАЛЦИЙ ЕТИШМОВЧИЛИГИДА

Совуқ сувда яхшилаб ювиб олинган тухум пўчоғи беш дақиқа қайноқ сувга солиб қўйилади. Сўнг қуритилади ва ҳовончада яхшилаб туйиб, ҳар кунни 1,5 граммдан 3 граммгача истеъмол қилиб турилади. Тухум пўчоғи кукунини эрталаб творога, нонуштада бўтқага қўшиб ейилса ҳам яхши самара беради.

СОЧ ТЎКИЛГАНДА

Қирғичдан ўтказилган пиёзга 4:1 нисбатда асал қўшилади ҳамда яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашма соч илдизига ишқалаб суртилади. Ярим соатдан сўнг ювиб ташланади. Агар соч қуруқ бўлса, озроқ кунгабоқар ёки зайтун ёғидан қўшиш мумкин.

Табриклаймиз!

Қашқадарё радиотелевизиош маркази жамоаси ва касба уюшмаси РТС-Одамтош телестанцияси катта электромеханиги Эшмурод НУРОВНИ 55 ёши билан чин қалбдан табриқлайди. Унга узок умр, танисхатлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали жамоаси Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходимлари Элмира МИРОШНИКОВНИ 50 ёши ҳамда Қосимжон МИРЗАБОВНИ 55 ёши билан самимий табриқлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий бахт тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали жамоаси ва бошланғич касба уюшмаси қўмитаси Бешариқ ПАТ ходими Тўлқинжон КАРИМОВНИ 55 ёши, Учқўприк ПАТ ходими Адҳамжон ИСМОИЛОВНИ 50 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар бахти-иқболини кўришни тилайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайфат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Суюн НАЖБИДИНОВ, Абдуазиз АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (маъсул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-766 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Алади: 10970 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳчўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 715-87-21 Гулистонда 240-00-46 Жиззахда (94) 199-95-64 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 230-64-80 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 288-40-66 Урганчда (90) 713-21-40 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99